

Беҳзод  
ФАЗЛИДИН

*Кумаган  
кунларим,  
кутган кунларим*



Беҳзод ФАЗЛИДДИН

СИЛЛАСИДДУ  
ТАҲРИРӢ ҲОҲӢ

КУТМАГАН  
КУНЛАРИМ,  
КУТГАН  
КУНЛАРИМ

Тошкент  
«Akademnashr»  
2012

УДК: 821.512.133-1  
КБК 84(5У)7


Беҳзод Фазлиддиннинг ушбу янги китобини ўқиб, ҳаётнинг ўзи гўзал бир шеъркитоб, кутган – кутмаган кунларимизнинг бари сирга йўғрилган шеърлардир, деган ўй кўнглингиздан кечса, ажаб эмас. Шеър юрак ва руҳ, туйғу илиа фикр осон топишган оний кайфият, ўз навбатида, узоқ тўлғонишлар маҳсулни эканини китобдаги битиклар туғилган саналардан ҳам билса бўлади.

Сиз кўнгил ортидан эргашасизми ёки ақл йўлини танлайсиз? Эҳтимол, кучли ирода, сёбит эътиқод ёрдамида бу икки буюк кучни бирлаштира олиш мумкиндир? «Кутмаган кунларим, кутган кунларим» мутолааси давомида бу ҳақда ўзингиз бир хulosага келарсиз...

Азиз ва меҳрибон ота-онам, яқинларим,  
қадрли устозларимга бағишлийман.

**Масъул муҳаррир:**

Маҳмуд САЪДИЙ



Китобда Ш.Турдимов чизган  
суратлардан фойдаланилди.

ISBN 978-9943-389-38-0

© Беҳзод Фазлиддин  
«Кутмаган кунларим, кутган кунларим»  
© «Akademnashr» нашриёти, 2012 йил.

Дүнё эски,  
ташвиштар эски...



\*\*\*

Ташқарига чиқдим. Юрагим құлда.  
(Бутун бир күчани ёритарми шам!)

Бүлиши мумкин-ку худди шу йұлда  
Умрида ёруғлик күрмаган одам.

*2008 ишін 24 сентябрь*

## ҮЙГОНИШ

Күзларимдан оловлар сачрап,  
Қафасдаги шердай оғриндим.  
Хувиллаган одамзор ичра,  
Хаёт, Сени жуда соғиндим!

Кундалигим бир хил: үй, йүл, иш...  
Қаноти йүк қүшга үхшайман.  
Ташвишларнинг ортида ташвиш...  
Бу туришда қачон яшайман?

Қайда эшик очдим ғабғога?  
Йүл бошида йүқтедим йүлни.  
Оз бўлса ҳам тоза ҳавога  
Олиб чиққим келар Кўнгилни.

Ёниб кетгим келади бирдан,  
Адо қилди тунга шериклик.  
Некбин-некбин нигоҳлар билан  
Бугун сенга зорман, Тириклик!..

Юрагимда орзугул ұнар,  
Умид тинмай қиласар құнғироқ.  
Борган сари күзларим тинар –  
Борган сари Қуёш яқынроқ..

2008 ыйы 3 июль

## УЗУН ОРЗУ

Бирдан қанот үсіб чиқса елкамдан,  
Учсам. Ҳаммасини унұтсам. Кетсам.  
Асар ҳам қолмаса шум күланкамдан,  
Армон етолмаган манзилга етсам.

Құвіб тутолмаса ортимдан лаъин,  
Мұхаббат үртада бўлмаса даллол.  
Худди шу энг мақбул, тўғри йўлдайин –  
Учишим ҳеч кимга келмаса малол.

2008 ийл, ноябрь

## БОЗОР

Бугун ҳам пул әмас, Нур излаб чиқдим,  
Нигохларим тоза – күзимда кир йүк,  
Яна назари оч түпга йүлиқдим,  
Одамман деган күп, юзида нур йүк.

Қандай юрак очай юраксизларга,  
Наҳот, шуларни деб түкмоқчиман тер?  
Ёрдам бергім келар маҳбус сүзларга,  
Гаплар осмондадир, пойгакларда Шеър.

Яшаш ҳадисини билмасман, балки,  
Инсонлик илмидан олурман таълим.  
Ҳалоллиқдан сабоқ берарми ёки  
Ұзи амал қилмас Ҳаётмуаллим?

Тошларни чайнашга темир тишим бор,  
Чүкиб кетмасликка топарман қудрат.  
Меншунослар билан нима ишим бор,  
Бу йүлдан күз юміб үтгум йүк фақат...

2008 йыл 25 шілдө

## ЭСКИ ҲАҚИҚАТ

Дунё эски, ташвишлар эски,  
Навқирондай бу ғамлар күхна.  
Қарсак чалиб топамиз таскин,  
Ҳаёт үзи эски бир саҳна.

Гар пихини ёрган фуқаро  
Үзлаштиromoқ бўлар бугунни,  
Ечолмаслар минг йиллар аро  
Севги деган эски тугунни.

Ким бировни йиглатиб кулар,  
Шу үйинлар менга қизиқми?  
Ё ӯчириб берарми улар  
Пешонамда турган ёзукни?

Фақат сира тинч қўймас бир ҳол,  
Ўйлатади дунё ишлари:  
Нигоҳлари маъюс мажнунтол,  
Чинорларнинг хўрсинишлари...

2008 йил 6 июль

## «УЧЛИК»ЛАРИМ

\*\*\*

Сұқирнинг құлиға шам берма, дедим,  
Хәёт кағирига дам берма, дедим,  
Мендан бошқасига ғам берма, дедим.

\*\*\*

Соядай қадамим пойлайди Гунох,  
Мени үзімдан күп үйлайди Гунох,  
Нимага яшашга құймайди Гунох?!

\*\*\*

Товланишни бас қил, зарга оғмайман,  
Шеър билан овутма, сүзга сиғмайман,  
Мен йиғлай олмаслар үчүн йиғлайман.

2008 ыл, июль

## РОЛ

Қайси шамол қаддимни эгди?  
Қачон булат тұсди офтобим?  
Бирор бұлиш жонимга тегди,  
Ечиб отгум манфур никобим.

Бу курсижон, у телефонхон –  
Қуриб қүйсин, мана, юзимни.  
Тил учида сақлаб юрдим жон,  
Хар қолипга солдим үзимни.

Пуч сүз сотиб даромад қылдим,  
Рандаланған гапларим силлиқ,  
Кесакларга хушомад қылдим,  
Деворларга айладим қуллук.

Юрагимни ёлғон үқидим,  
Үз-үзимга қылмадим инсоф.  
Ишқизларча чұпчак тұқидим,  
Бахтиман, деб уриб келдим лоф.

Бу жараён борар жар аён,  
Күзларимга тұлиб келар қум.  
Ич-ичимда тинмас ғалаён,  
Лабларимда аччик табассум.

Нима берар кичик танаффус?  
Құллар чапак чалиб толғанлар.  
Афсус, ұлар учун ҳам афсус...  
Афсус, мени севиб қолғанлар!

2008 ишіл 4 сентябрь

\*\*\*

ВОЗАК

Нега асли гүзәл эмас гүзәллик?  
Вафосиз йилларда бор менинг қасдим.  
Хаммамизга тақдир номукаммаллик,  
Бутун бүлганимда одам бүлмасдим.

Феълимдан ўпкалаң борар вијдоним,  
Күзи очиқ күнләр мендан норози.  
Хамон томиримга сиғмайды қоним,  
Үртада овора ҳаёт – тарози.

Гохида ҳакиқат билан қовушмас –  
Сүзләримдан құрқиб кетаман бирдан.  
Ё учиб кетмайды, ё ерга түшмас,  
Яшаб бүлмайды-да бу юрак билан!

2008 йыл, май – июль

## ЖАВОБ

Мени түшүнмади түшүнгәнларим,  
Уларни тингладим, үзимни тийдим.  
Ишонмай қийнади ишонгәнларим,  
Митти озрларни кечирдим-қүйдим.

Ёт сүзга беркитдим қулоқларимни,  
Хақгүй күзларимни атадим ғаним.  
Шамоли үчириди чироқларимни,  
Мендан кешиб кетди кечмаганларим.

Дүстлар, дүстларимга айтинг, шошмасин,  
Арzonга учмасин сотмоқчи бўлса.  
Хиёнатида ҳам майдалашмасин,  
Каттароқ тош отсин отмоқчи бўлса!

2008 йыл, май

## ЗОВ

Бу жар билан келишиб бўлмас,  
Ногоҳ тортиб кетар домига.  
Қуш ҳайиқар, нур келиб қўнмас,  
Қуёш қараб қўяр номига.

Иси келар дуду ноланинг,  
Ўт-ўланлар нигоҳи сўниқ.  
Қоядаги қонранг лоланинг  
Шунданми ё, чеҳраси синиқ,

Юмалайди тошлар бетоқат,  
Бирдан келган каби хўрлиги.  
Кенглик берар кўнгилга бир қат  
Сал нарида тоғлар борлиги...

*2009 йил 12 июль*

\*\*\*

2008

Шу бир парча Қүёш. Тупроқ, Ҳаво. Сув.  
Яна нима керак баҳтли бұлғани?  
Нега бунча катта кетади Орзу?  
Вақтнинг имкони йўқ қулоқ согани.

Қанотлари ёниб үйнап капалак,  
Мұвақат гүзәллик күн үтмай бежон.  
Юрак пештоқида ҳислар камалак,  
Эрта-индин башқа түйғулар мәхмон.

Мавхұм бұшлықтарга үзәнгән құллар,  
Сароб сарҳадида қүрінмас охир.  
Зардоб йиғиб борар мажрух құнғиллар,  
Ахволи оғир.

Балки, шу ташвишда кексайди Очун...  
Ҳассаси неча бор йўқолар күрнинг?  
Буюк қарзимизни эслатиш учун  
Силкиниб қўйгани етмасми Ернинг?

*2008 йыл, сентябрь*

\*\*\*

Қолған чақаларни эслагим йүкдір –  
Чироқ бўлолмайди ортимда, ўлсам.  
Фақат нур сўрадим, фақат нур йиғдим,  
Фақат меҳр олдим, қарз олган бўлсам.

*2010 йил 4 авгууст*

\*\*\*

Қош қорайди, үйчан қисқарди күнлар,  
Тағин не ташвишда күнгли юпунлар?  
Хали күл остида мудрар учқунлар,  
Күтинг...

Бирдай үтди ойнинг икки ўн беши,  
Кечанинг буғунга үтмади тиши,  
Азалнинг иши бу, абаднинг иши,  
Күтинг...

Севмаса севмасин сиз якто билган,  
Келмаса келмасин сизни қон қилган,  
Кутган ҳам ҳақ эрур, ҳақдир кутилган,  
Күтинг...

Ким кимни үчирди хотирасидан,  
Ким четлашди ишонч доирасидан,  
Кимдир боқар күнгил ойнасидан,  
Күтинг...



Бу асрий лаҳзалар сиғмайди сўзга,  
Севги бир шарпадир, кўринмас қўзга,  
Яхши биласиз-ку, чора йўқ ўзга,  
Күтинг...

*2009 йил 19 ноябрь*

ДАВЛАТ

ТАМН ГУРЭ

# Илдиэлафим



## **ЕРҮФ НИЯТ**

Нафас ростлаб олай, имкон бер,  
Бошқа шоир ёзмас, ёзмасам.  
Юрагимни күтарарми шеър?  
Қалдан чиқсан ҳар сўзим – қасам.

Уйғотгувчи Сўз сўраб ўсдим,  
Достон-достон бўлар ғам-ғуссам.  
Майли, мени ўқима, дўстим,  
Дардан сўйлаб кўнглингни бузсам.

Қоғозсиз ҳам куним ўтарди –  
Ер юзида қайси шоир тўк?  
Шуни билиб қалам кўтардим –  
Ўлмай туриб ташлаб кетиш йўқ.

Кулма дардим кучайган пайти,  
Ким қўйибди бизга миннатни?  
Юпатмоқчи эдим шеър айтиб  
Кўнгли тўлиб кетган миллатни...

*2008 йил 6 сентябрь*

## ДАЪВАТ

Нұрсевар япроқлар муродға етгай,  
Бир күн бу илдизлар Қүёшга туттай,  
Сайёрамиз биздан оқибат күттай,  
Она Ер күксидан дардлар тәрайлик.

Бешікдаги ботир – жажжи шаҳаншоҳ  
Мисли Ӯзбекистон – нақырон нигоҳ,  
Бүгүн әмакласа, әртага подшоҳ,  
Уни Одам қилиб үлғайтирайлик.

Үфқа туташ бўлсин манзилларингиз,  
Совимасин юрактандирларингиз,  
Эриб кетсин фафлат занжирларингиз,  
Үйқулар ортида уйғоқ турайлик.

Ватансиз улусга толеъ кулмайди,  
Озодликдан ортиқ мерос бўлмайди,  
Ватан йўқолмайди, Ватан ўлмайди,  
Абадият сари юзни бурайлик.

Шу юртда топганинг ҳаловат бўлсин,  
Эл десанг, сўзингда салобат бўлсин,  
Ӯзбекдўст, иймонинг саломат бўлсин,  
Дунёнинг умрини узайтирайлик,  
Ўзига ўзи бек Ватан берайлик.

2008 йил

## ДОВОН

Шу халқ үссин, шу юрт күкарсын,  
Изга түшиб кетар қолгани.  
Бошин мангу баланд күтарсын,  
Олтин бүлсін тош деб олгани.

Омон ұтди йиллар захридан,  
Туришлари мардона бүлди.  
Фаним эриб кетди меҳридан,  
Оқибати афсона бүлди.

Бек боласин қадами шаҳдам,  
Бағри бутун, илиги тұла.  
Гижинглаган тойчоқлари ҳам  
Ёв дилига солар ғулғула.

Эндигина тонглар отганда,  
Парчаланмас азалий тоқат.  
Ү кунларга қиёс этганда,  
Бу кунларнинг заҳмати – роҳат.

Юракларда бирдамлашайлик,  
Суягани етар құдрати.  
Үзимиздан баланд яшайлик –  
Шу юрт ҳаққи, шу халқ ҳурмати.

*2009 йыл 1 сентябрь*

## ҰФИЛ

Дада, далангизга дард сочиб келдим,  
Яна машаққату захматлар Сизга.  
Белингиз оғриди, мен қочиб келдим,  
Қачон олиб бердим раҳматлар Сизга?

Ая, соғинчингиз сочи оқарди,  
Бормадим – құпайиб кетди түйларим.  
Шу ёшимда фақат севиш ёқарди,  
Сиздан күра күпроқ уни үйладим.

Бошдан нима үтди – билдирганим йүк,  
Кимдир тұқаверди нур изларимга.  
Ұзимни-ку хафа қылдиғаним йүк,  
Озор бериб қүйдим азизларимга.

Майсалар, парёстиқ бўлинг бош қўйса,  
Чинорлар, Отамнинг ёнида юринг.  
Боласини үйлаб юраги куйса,  
Аччиққина қилиб чой дамлаб беринг.

Бу ташвишлар билан бўлмайди қариб,  
Мени кутиш учун келган оламга.  
Қўллари толмасин челак қўтариб,  
Булутлар, сув ташиб туринг Онамга.

Дада, дардингизга бошман, биламан,  
Ая, тушларингиз бир кун келар үнг.  
Хали юзингизни ёруғ қиламан,  
Одамшоир бўлиб борганимдан сўнг.

2008 йил 7 сентябрь

\*\*\*

Эриб оқди дийдамда қорлар,  
Қаҳратонда құкардим, Ота.  
Бемор бұлдим – бұлдим бедорлар,  
Қайтадан бош құтардим, Ота.

Қаёқларга кетиб боряпман?  
Түшгим келмас кипригингиздан.  
Оғир-оғир үтиб боряпман  
Юрак – Сирот құпрыгингиздан.

Катталарга экан-да қийин –  
Айтолмайди бұлса ҳам дарди.  
Бу оламда қаттиқдир үйин,  
Қабогимда болалик қадри.

Мақсадларим беради таскин,  
Дуоларга ишонмай нечун?  
Мен жаннати бўлишим мумкин,  
Сиздай отам борлиги учун.

Шеърларимни үқинг беозор –  
Маъносини тушуниб қўйманг.  
Ўзимдан хўп бўлганман безор,  
Мени менга ишониб қўйманг.

2009 йил, январь

## ЁЛГОН

Илож йүк, бошқа бир йүли йүк,  
Рост гапни ичимда асрайман.  
Күнглимининг күнглини қилиб түк,  
Сен – буюк бахши, деб алдайман.

Күчаси чанг қилди эгнимни,  
Шу гаплар, ох, менинг tengimmi!  
Умримга доғ сочган севгимни  
Хәётим нақши, деб алдайман.

Үзимга тинмай чоҳ қазарман,  
Сал қолса, ақлимдан озарман,  
Шу экан аввали азалдан  
Дунёning иши, деб алдайман.

«Аҳволинг тузукми, той болам,  
Шоирим – орзуга бой болам».  
Дардимни билмайсиз, жон онам –  
Ҳаммаси яхши, деб алдайман.

2009 иил 30 - 31 июль

\*\*\*

Дұстлар, менга бир дұстлик қилинг,  
Телефоннинг камдир қуввати.  
Онамдан ҳам ҳол сұраб қўйинг,  
Салом айтинг дұстлик ҳурмати.

Ахир, мени у аёл түкқан,  
Комилаю салкам фаришта.  
Бардошларда қалби чиниққан,  
Мехри билан умрим саришта.

Бир бошига нечта жони бор?  
Сув ичгандай ютади азоб.  
Бахтим тилаб юраги бедор,  
Шодлигим-чун чекар изтироб.

Ой тўлишар, табассум қилса,  
Дуо – олтин, бу сўзлар – олтин.  
Етти кўча нарида бўлса,  
Хушбўй келар ўзидан олдин.

Ғўрлигимдан зўр келса синов,  
Айланаман нодон дўстига.  
Қовоқ солиб қўйгани – сийлов,  
Койишлари – бошим устига...

*2008 йил 9 сентябрь*

\*\*\*

Онангнинг эгнига камзул бүлмаса  
Хар дайди шамолдан асраб турғани,  
Отангнинг құлиға омбұр бүлмаса  
Ёғочлардан нобоп мих сүргурғани,

Синглингга саруо, сеп йиғилғанда,  
Фойдаси тегмаса чит күйлакчалик,  
Ташвишлар уканға зұрлік қылғанда,  
Химоя этмаса бир билакчалик,

Лаббай, деб келмаса ғовларни ёриб,  
Мунаввар тонгларға йүргак бүлмаса,  
Ғанимнинг күзини үймаса бориб,  
Әгилған элингга тиргак бүлмаса...

Шу шеърни тұқымай турғанинг яхши,  
Хар сатри қонингдан үтмагунича,  
Шу шеърни үқимай турғанинг яхши,  
Оlamни хотиржам этмагунича...

*2009 йил 22 декабрь*

\*\*\*

Онамнинг онаси ўтди, водариг,  
Боладай ичикар шурлик ҳар куни.  
Ох, билмай қолибман, сезмай қолибман  
Онам ҳам мен каби болалигини.

*2010 йыл 26 октябрь*

\*\*\*

Гул каби сочилди мен гул тутганлар,  
Менга құз тикканлар үйларимда йүк,  
Мен юзға гардини тавоғ этганлар  
Күнглиминг күксига санчиб кетди үк,  
Гул каби сочилди мен гул тутганлар.

Изимга зорларни зор этдим баттар –  
Күксимдан музларни аритмадилар.  
Хеч құрқмай умримни ҳадя этганлар  
Бир бор тушларига арзитмадилар.  
Изимга зорларни зор этдим баттар.

Ким эдим?.. Нимага айландым бугун?  
Саробга интилган дунёпаастман.  
Құл етмас юлдуzman бирөвлар үчүн,  
Севгимнинг қошида хасча эмасман.  
Ким эдим?.. Нимага айландым бугун?

*2009 жыл 15 декабрь*

\*\*\*

Армонқизнинг кўзи баттар сузуклаши,  
Шеърим ўқиб кимнинг ҳоли тузуклаши?  
Қалам тутиб қўлим фақат нозиклаши –  
Уйда ўтин ёрганларим яхши эди.

Дил безиллар бу бемаврид шамоллардан,  
Саволлардан қочиб бўлмас, саволлардан,  
Чарчадим-ай оғир-оғир хаёллардан –  
Кетмон чопиб ҳорганларим яхши эди.

Ўйлайверсанг, ўйдунёning ўйи битмас,  
Қўли узун ташвишларнинг тўйи битмас,  
Унда бобом бошлаб кетган уйи битмас –  
Қишлоқда лой қорганларим яхши эди.

Тутам умрим тўлиб борар туманларга,  
Ёмонларга ўлим йўқми, ёмонларга?  
Ўзим билан борса келмас томонларга,  
Худо ҳаққи, борганларим яхши эди...

2011 йил, июль

## ОЧИЛМАГАН МАКТУБ

Дада!

Хаммасини күриб, билиб турибсиз –  
Чидаб бүлмайдиган феъл-авторим йүк,  
Сал елкамни қисиб ўтсам, тийиксиз –  
Кесаклар бирлашиб дүк уради, дүк,

Мендан нима кетди – құлимдан келар  
Замонсоз юзларга нур сұраб яшаш.  
Хар махлук устимдан кулмоқчи бүлар,  
Баъзан оғир ботар Одамга үхшаш.

Омад ҳам бегараз йүқламас, ёху,  
Билиб туриб атай бой бердим нақдни.  
Керагидан күпроқ имкон берди-ю,  
Хеч раво күрмади энг зарур Баҳтни.

Ұзимга үзимни обдон талатиб,  
Томошаталаблар үйин күтдилар.  
Ахёнда бир қошиқ асал ялатиб,  
Ортидан косалаб оғу тутдилар.

Билмайман, не сабаб омондир бошим,  
Нега тарс ёрилиб кетмайди юрак?  
Күзимда тош каби қотади ёшим,  
Дардимни ололмай сүзлар жонсарак.

Тушунгим келади, етмайди ақлим,  
Хеч әплай олмадим ишонтиришни.  
Биласиз, бурнимнинг учида жаҳлим,  
Сиз ҳам талаб қилманг тушунтиришни.

2009 иил, октябрь

## МУСОФИР

Шеърларимнинг соchlари оппок,  
Үйчан сўзлар юзида ажин.  
Боққин, ахир, Онажон, бир бок,  
Ўғлинг нега бунчалар ғамгин?!

Балки, жуда эрта үлғайди  
Юрагимда гуллаб ётган дард.  
Кўзларимда тунлар ухлайди,  
Халқа-ҳалқа ёшларимни арт.

Кечагина подшодай эдим,  
Атрофимда минглар парвона.  
Баридан воз кечиб мен энди  
Бир сўққабош далли-девона.

Кун қариди, совиди чойинг,  
Пахта гулли пиёланг маъюс.  
Йиғмай менга тушаган жойинг,  
Дарвозадан ҳатлаб ўтди Куз.

Не кўйларга солмади Орзу...  
Ногоҳ учиб борсам қошингга.  
Оғушингга гўдакдай ол-у,  
Мехрлар бер мен бебошингга.

Ҳали жуда ёшсан, чирогим,  
Армон сени йўкламайди, де.  
Эркалаб айт: Үйинқарогим,  
Ўғил бола йиғламайди, де...

Дүнё ҳақда ортиқ билгим йұқ,  
Хар не дедим, барчаси – бекор.  
Шоҳ бұлғим йұқ, шоир бұлғим йұқ,  
Бұгун фақат боланғ бұлғим бор.

2010 йыл 14 сентябрь

\*\*\*

Хали дунё сутдай оқ, эди,  
Боғлар яшил, осмон ложувард.  
Қүёш ерга яқинроқ, эди,  
Ой юзида күринмасди гард.

Тебранарди майсалар сокин,  
Күкдан ёғиб майин наволар.  
Борлик узра Бахт эди ҳоким,  
Жонга ҳузур тоза ҳаволар!..

Сезмай қолдим, қалб қандай қотди,  
Қачон армон ёзолди куртак?  
Тушларим ҳам үзгариб кетди,  
Энди бари олис бир эртак.

Қани күнлар – менга аталган,  
Лойларгами ё ботиб қўйдим?  
Ҳар заррадан чирой ахтарган  
Кўзларимни йўқотиб қўйдим...

2010 йил, июнь

\*\*\*

Сабоги тугамас мактабдир Ҳаёт,  
Баъзидা танаффус ўйнаб-кулгани.  
Кеча парталарда Диidor эди шод...  
Ҳамма тарқаб кетди Одам бўлгани.

Бир куни йўқ эдик, бирда бор эдик,  
Тинмади Орзунинг хархашалари.  
Жаннатда юргандай баҳтиёр эдик  
Бир ота-онанинг зумрашалари...

Қанча ёруғ бўлди умр – дарсхонам,  
Билган-бilmaganim шундан ҳам маълум.  
Муаллим – Руҳимни уйғотган Онам,  
Фарзанд ажратмаган Отам – Муаллим.

Сўз бўлиб тилидан савоблар учган,  
Икки олам аро қисмати – эъзоз.  
Ким бўлиб борсам ҳам бағрини очган,  
Келдим. Ассалому алайкум, Устоз!

*2008 йил, сентябрь*

## ХАВАС

*Ухламагим келяпти.*

*(Жиянимнинг хархашаси)*

Эркалангин, болажон,  
Қанд-қурс тўлсин қўйнингга.  
Катта бўлсанг бир замон,  
Ким ҳам қарап кўнглингга.

Майли, ётма, ухлама,  
Ўйна ҳолдан тойгунча.  
Тушиб қолмасин яна  
Оғзингдаги мойкулча.

Қўйилмайди қариб ҳам,  
Улар сендан баттар шўх.  
Хафа бўлма, жиянчам,  
Катталарнинг эси йўқ.

Текканида дам-бадам  
Ташвишларнинг калтаги,  
Сиз яхсисиз ҳаммадан,  
Деб мени ҳам алдагин.

Кунларим эртак – хомуш,  
Ишонмагим келяпти.  
Болалик – энг ширин туш,  
Үйғонмагим келяпти.

*2009 йил, июль*

\*\*\*

Бу қаро дард ёпишди қайдан,  
Оппоқ ғамларимни соғиндим.  
Кетгим келар ғурбатсаройдан,  
Покроқ дамларимни соғиндим.

Бардош оти ҳансирағ борар,  
Вужуд не деб алжирағ борар?  
Қароғларим қовжирағ борар,  
Чашми намларимни соғиндим.

Жон иpidан оташ яраттан,  
Үзи нураб зиё тараттан,  
Довулларни эсанкираттан  
Үчмас шамларимни соғиндим.

Хилқат борми ундан нағисрок,  
Мұхаббатта бир оз хасисрок,  
Жондан яқин, жондан азизроқ  
Аллакимларимни соғиндим.

2010 йыл, февраль

\*\*\*

Бошингизга Қүёш тож бўлсин, Ота,  
Умрим қўлингизда ёруғ юлдуздир.  
Баландроқ кўтаринг – чараклаб кетай,  
Мени ўртаётган чўнг азоб Сўздир.

Кўнглимда адашдим, ақпимда шошдим,  
Дунё биёбонми тентирайдиган?  
Жисмимда қайнадим, руҳимда тошдим,  
Ҳеч вақо қолмади интиладиган.

Она, аллангизни айтинг қайтадан,  
Навоси севгимга севгилар қўшсин.  
Ишончлар уйғонсин, ёнсин жону тан,  
Мұхаббат қудрати қонимда жўшсин.


Ахир, бошидаёқ юзни терс бурдим,  
Бу кўча арзимас гангиб кетгани.  
Дарё-дарё бўлди чашмаи зардим,  
Денгиз йўқ бағрига сингиб кетгани.

Ой билан аҳд-паймон қилдим ойдинда,  
Бағримни суғордим кўз ёшим билан.  
Ақлли деворлар туарар олдинда,  
Қаёққа бораман бир бошим билан?

Илдизларим, мени маҳкамроқ тутинг,  
Учиш пайти келса, ўзим айтаман.  
Фақат сиз тоқатда мендан-да ўтинг,  
Дунёни уйғотар сўзим айтаман.

2009 йил 27 май

Бүр оз шошманы,  
Вакт жаноблағы!



\*\*\*

...чунки күп нарсадан күнглимини үздим,  
чунки ҳафсаламни пир қилди ҳаёт.  
чунки билиб-билмай ниятни буздим,  
чунки еру күкдан бұлмади најот.

чунки үзім билан келишолмадик,  
жиндақкина ақлим әгмади бүйін.  
имкон ила вақтни бұлишолмадик,  
чунки ҳаммасининг мақсади — үйин.

чунки изғиб юрар бунда қора рух,  
баттар авж олдириб ҳазин оташни.  
этимни чимчилар совуқ бир андух,  
чунки истамадим осон яшаши...

чунки...

*2009 йил 10 декабрь*

## ХАР КҮН

Шу лаҳзадан яшай бошлайман дейман,  
Ичимдаги итнинг қулоқлари динг.  
Ахир, алам қилар, кап-катта одам  
Бир гугурт чўпича тегмаса нафинг.

Режаларим битмас, ишларим чала,  
Билмаганга ҳазил, билганларга чин –  
Ё йўлда машина бузилиб қолар,  
Ёнки тугаган бўлади бензин.

Ҳар сафар, ҳар куни, ҳар доим шу ҳол:  
Куттириб вақт ўтар, кутиб вақт ўтар.  
Ёнимдаги дўстга ёрилиб кўрсам,  
Шўрликнинг аҳволи мендан бешбадтар.

Бир лаҳзадан кейин борманми, йўқми,  
Сафар олислигин эслатади йўл.  
Қурол-ярогимни тайёрлаб турай,  
Бу гал, ҳеч бўлмаса, эшик қоқиб кел.

2008 йил 17 ноябрь

## ОСМОНДА ЁЗИЛГАН ШЕР

Еру осмон ораси – ҳаёт,  
Сафаримнинг номи – алданиш.  
Бунда менга ҳамма нарса ёт,  
Бунда менга ҳаммаси таниш.

Ёпилмоқда илинж дарчаси,  
Кўчишлардан бўлганман ҳориб.  
Унумоқчи эдим барчасин  
Пўлат лочин бағрига кириб.

Бир ён булут, бир томон туман,  
Қайга олиб қочай кўзимни?  
Ҳар йўловчи нигоҳи билан  
Тафтиш этдим яна ўзимни.

Учган сайин үлғаяр ғуссам,  
Хавотирнинг кўзлари лўқдир.  
Бир он мизғиб олайин десам,  
Осмонда ҳам ҳаловат йўқдир.

*Toшкент – Москва – Берлин*

*2009 йил, сентябрь*

## МАНГУ ЛАХЗА

Шу лаҳза кетмаса, шу лаҳза қолса  
Ёки бирга кетсам үзим у билан.

Йүқолса, йүқолса, йүқлик йүқолса,  
Мавхумлик күйида бўларим бўлган.

Манзилга элтолмай мулзамдир йўллар,  
На ном-у, на нишон, кездим бетиним.  
Эслашга арзимас чалажон йиллар,  
Шу лаҳза қошида топсайдим қўним...

*2009 йил 1 февраль*

\*\*\*

Бир оз шошманг, Вақт жаноблари!  
Икки оғиз гапим бор сизга.  
Мангумиди изтироблари –  
Отамерос кечикиш бизга.

Хар ҳикмати бир дунё Эгам  
Қадрингизни тенгсиз яратмиш.  
Замон, макон жиловини ҳам  
Ұзидан сұнг сизга қаратмиш.

Бир чиройли үйнаб юргандим  
Болаларча, келтирмай ғашни.  
Билмай қолдим, қачон үргандим  
Сизга тақпид қилиб яшаши.

Не азобни олдим бүйнимга,  
Кунлар бошдан-охир әгөвли.  
Бүй бермайды үйлар үйимга,  
Хар қадамим ҳануз үлчовли.

Ортингиздан чопганим-чопган,  
Эртакмикан сизга тенг келиш.  
Пушаймонга ким малҳам топган,  
Түшимга ҳам кирмас енгилиш.

Бир күн ногоҳ йүқолиб қолсам,  
Ҳайрон бүлманг излаб изларим.  
Сизни катта йүлда хотиржам  
Кутиб олар ёруғ сүзларим.

2009 ишін 2 ноябрь

\*\*\*

Хар куни күксимда күпкари,  
Олишар чавандоз түйғулар –  
Фирромга үрганған күплари.

Уялиб кетаман үзимдан,  
Тағинам гунохнинг ҳиди йүк,  
Кун қочиб боради изимдан.

Улуғ бир хатони бошладим,  
Қаламнинг юргиси келмайди,  
Шўрликни... синдириб ташладим...

*2009 йил 7 март*

\*\*\*

Ортиқ ушлаб турмай, очиқ осмонга  
Күйиб юбораман юракни – шарни.  
Аста сингиб кетар мовий майдонга,  
Паналаб үтгандай машъум хатарни.

Хеч ким ниқтамаса, ҳеч зоғ тегмаса,  
Боладай үйноқлар завққа берилиб.  
Күркман, күкда ҳам озор чекмаса,  
Ёрилиб кетмаса эди, ёрилиб...

2009 йил

Бир көмөлдөмү олий түннөңдөй  
көндөй дөрөнүн ишке бөлдүүш түйөт  
— дөйнүүш дөйнүүш түйөт дөйнүүш

\*\*\*

Тонгдан эшигимни чертади ташвиш,  
Ичкарига олиб кирмасам, күнмас.  
Ишда қандай ғалва қайраб турар тиш,  
Оёқ тортмайди-ю, бормасам бўлмас.

Йўлга отланаман, нонушта чала,  
Мұхими – гупиллаб турибди юрак.  
Кутишга заррача йўқдир ҳафсала,  
(Барибир, автобус кутишим керак.)

Ишхонада ўша эски томоша,  
Ҳар кимнинг айтгани юзаки ўлан.  
Бахтиёр кўрсатгум ўзни ҳамиша  
Мийигимда сохта табассум билан.

Ахир, ёлғон бўлса бўлар-да шунча,  
Не-не алдовларга, балки, соқийман.  
То устимдан кулиб қўёш ботгунча,  
Нуқул эртак ўқиб, эртак тўқийман...

Нега ҳамма нарса инсонга соя?  
Ҳар қулайлик дилни ғамга ўрайди.  
Борсам, ўтганмисан рўйхатдан дея  
Баҳт ҳам юзи совуқ, ҳужжат сўрайди.

Саволлар тушда ҳам тинч қўймас нечун?  
Алаҳсираб түнни тонгга үлайман.  
Эртага эркинроқ яшашим учун  
Тағин қанча жойга солиқ тўлайман?

Яхши беркилганми жўмракнинг оғзи,  
Қўшнининг уйига ўтмабдими сув?  
Кейин шундай ғалат хаёллар баҳси,  
Ҳозир ҳаётимнинг бор маъноси – шу...

2010 йил 26 июнь

Дар йиғи мурбакларни кечидан олди  
Баланд ташкентдан ташвистини монди  
Архивларни кечидан олди, оларни  
Баланд монди ташвистини монди

Дар йиғи мурбакларни кечидан олди  
Монди яхши иншеба ташвистини  
Ташвистини мурбакларни монди  
Ихтиёз монди ташвистини монди

Дар йиғи мурбакларни кечидан олди  
Монди яхши иншеба ташвистини  
Ташвистини мурбакларни монди  
Ихтиёз монди ташвистини монди

Дар йиғи мурбакларни кечидан олди  
Монди яхши иншеба ташвистини  
Ташвистини мурбакларни монди  
Ихтиёз монди ташвистини монди

Дар йиғи мурбакларни кечидан олди  
Монди яхши иншеба ташвистини  
Ташвистини мурбакларни монди  
Ихтиёз монди ташвистини монди

\*\*\*

У ён үтиб, бу ён үтасиз,  
Шошиб-пишиб қаён үтасиз?  
Токай шундай сарсон үтасиз –  
Яшаш керак, Бекзод Фазлиддин.

Қылт этмайди, не тушса бошга,  
Бор бүйича тимсол бардошга,  
Хеч бұлмаса, бир харсантошга  
Үхашаш керак, Бекзод Фазлиддин.

Ибрат билиб зебу зарларин,  
Хикмат билиб зер-забарларин,  
Дилга Ойнинг ҳарир нурларин  
Тұшашиб керак, Бекзод Фазлиддин.

Нега шунча ох-вой ҳозирдан,  
Құлингиздан келмаса чиндан,  
Ошиқлиқдай зүр лавозимдан  
Бұшашиб керак, Бекзод Фазлиддин.

*2010 йил*

\*\*\*

Не хүкмат дилингнинг яролигида,  
Беадоқ тахайюл йўлига жим боқ,  
Кутиш ва куттириш оралигида  
Йигирма йил ўтди – қолгани жумбок.

Нимадир етмади, яна, кимдир кам,  
Балки, омадсизлик эди омадим.  
Улгурса бўларди тозаришга ҳам,  
Яшашни билдим-у, яшай олмадим.

Гоҳи уялтириб, гоҳи уялиб  
Бирма-бир жон берди дақиқаларим.  
Шунчалар ишондим, келдим суюниб –  
Ҳаққа элтгаймикан ҳақиқатларим?

2009 йил 29 апрель

\*\*\*

Ғам миршаби ҳар ерда нозир,  
Күнгил тортиб борар жойим йүк,  
Шуни ҳам күп күрмагин, ҳозир –  
Вақтдан бұлак ҳеч вақойим йүк,

*2010 иш, август*

\*\*\*

Сергак тортиб қоласан бирдан,  
Салобати босар фикрнинг.  
Илдизини излай бошлайсан  
Ботинингда ғовлаган сирнинг.

Ахир, бундай бўлмайди яшаш,  
Кун санаса бўлмас шунчаки.  
Жовдираган Вақтнинг кўзига  
Қандай қараш мумкин юзаки?

Борми бунда майдалашмаган,  
Аслиятга содик қолган ким?  
Сийму зарнинг сийналаридан  
Нигоҳини асрай олган ким?

Қандай гўзал юксак-юксакда  
Юлдузларга қўл бериб яшаш!  
Лаш-лушларга ўралашмасдан  
Ташвишларга чил бериб яшаш.

Шу мақомни ҳавас қилмаса,  
Ўзинг билан уришгинг келар.  
Ҳар нарсадан кечиб бўлса ҳам,  
Шу орзуга эришгинг келар.

*2009 йыл, августр*

## АНГЛАШ

Йилларим жам бўлиб Кунга айланди,  
Ёлғонлар йиғилиб чинга айланди.  
Бутунлик касб этди сочилган заррам,  
Менларим бирлашиб МЕНга айланди...

*2008 йил, сентябрь*

\*\*\*

БАЛЫК

(Беморликда)

Яшайсан де, ўлмайсан деб айт,  
Айтгин: Умринг кетмас шамолга.  
Ахир, қүёш ботмоқда бу пайт,  
Кун айланиб борар заволга.

Ох, құрқаман, хавотирдаман,  
Күрганларим туш чиқмасми, деб.  
Энди олам бұлғанда чаман,  
Икки құлим бұш чиқмасми, деб.

Яшайвер де, севавер дегин,  
Чекинмасин юракдан ғайрат.  
Ишончимга күч-қудрат бергін,  
Рұх булбулин бетиним сайрат.

Үтса үтди, бўлса бўлгандир,  
Не десам жон аччиқлигида.  
Жуда баҳти бўлгим келганди  
Кўзларимнинг очиқлигида.

Яшайсан де, ўлмайсан деб айт,  
Айтгин: Умринг кетмас шамолга.  
Гарчи қүёш ботмоқда бу пайт,  
Кун айланиб борар заволга...

2010 йил 15 августр

## ҰКИНЧ

Кечаги ҳаётим ёруғроқ әди,  
Юрган йүлім чаман, бояғ роғ әди,  
Күнглім осмон әди, күнглім тоғ әди,  
Вох, қандай күнларға йүл беріб қўйдим.

Эңг нодир ҳисларға назар ташламай,  
Наҳот, қўклам кетар бизни хушламай,  
Кўксимда чечаклар яшнаб-яшнамай,  
Мезоннинг қўлига қўл беріб қўйдим.

Қанча тентирасам, қанча югурсам,  
Ортимдан боладай эргашар ғуссам,  
Энди ўз тилимни топарман десам,  
Армон шевасига тил беріб қўйдим.

Борини унутиб суйған ким мендек,  
Надомат түнини кийған ким мендек,  
Бедиллар дастидан тўйған ким мендек,  
Найлайки, дилсизга дил беріб қўйдим.

*2010 йил 3 - 4 сентябрь*

\*\*\*

Адо қилди, еб қўйди йўллар  
Ҳаётимнинг гулбаргларини.  
Ҳаволарда муаллақ қўллар  
Қайдан билсин дил дардларини?

Қасд қилгандай ўтиб борарман  
Оғир-оғир қадамлар ташлаб.  
Тупроқларга ботиб борарман  
Қон талашган лабимни тишлиб.

Элас-элас қўзга ташланар  
Олисларда милт-милт учқунча.  
Қанча ўчиб-ёнди – ким билар –  
Шу манзилда қўним топгунча.

Қайтгим бор-у, қайтмасман ортга,  
Бу йўлларга болу ари – бир.  
Ўзни олиб қочсам-да четга,  
Кимларнидир ейди, барибир...

*2010 йил 11 марта*

\*\*\*

Беҳуда чиқиллаб толиқди соат,  
Лаҳзалар карвони бўлолмади жам.  
Қиёфа жангидан чекинди сурат,  
Ўзини кутишдан тўймади Одам.

Йиллар оқиб кетди — юзлари сўлғин,  
Таъмини йўқотган тўйғулар тахир.  
Тонгни бедор кутди безовта, дилхун,  
Илинжнинг ўлгиси келмайди, ахир.

Қадарда борига қилмади зарда,  
Сўзласа, сукутдан баланд сўзлади.  
Ва лекин энг сўнгти сонияларда  
Илиниб қолмаса эди кўзлари...

*2009 йил, январь*

## ЙИГИРМА ЕТИНЧИ БЕКАТ

Китобдай ўзимни варақлайман жим,  
Нимагадир ташна, негадир мұштоқ.  
Қайси воқееликдан рангидир умрим,  
Қай үринде дардим ишонарлироқ?

Сийқа сакталиклар этмасми мулзам,  
Бахайр бўлармикан руҳий сафарим?  
Бирор ўқиганми мендан олдин ҳам –  
Мунча ҳилвирайди сахифаларим?!

Мана бу қўл изи, мана бу доғлар  
Қайдан пайдо бўлди бугун бағримда?  
Оҳ, наҳот, тарихга кўчди у чоғлар!  
Хотирот хиди бор ҳар бир ҳарфимда.

Мавхум эҳтирослар – бежиз ёнишлар,  
Таъкидлар – қувончим ва ё оҳимдир.  
Кўп нуқталар – узоқ иккиланишлар,  
Сўроқлар – гумону иштибоҳимдир.

Нелардан сўйлайди бу сўзлар сози,  
Зиммасига қандай аъмол ортилган?  
Ўта таъсирчанми, мақбулми, баъзи –  
Мисралар остига чизиқ тортилган...

Шукур, зерикмадим ўзимдан бир зум,  
Ўқиндим. Қувондим. Ўртандим. Куйдим.  
Холис баҳо берар дедим-у, ўзим –  
Келажак қўлига топшириб қўйдим...

*2010 йил 5 сентябрь*

\*\*\*

то ҳануз жұмбоққа ұхшайды умрим,  
то ҳануз үлгурғиб бўлмас яшашга,  
то ҳануз кўзимда эзғиланаρ қум,  
то ҳануз нўноқман ӯзни асрashга.

наҳотки, ҳаёт шу, тириклиқ шудир,  
наҳотки, умрбод ұртамак – қисмат?  
наҳотки, мўъжиза бўлмайди содир,  
наҳотки, тоабад чўзилгай ҳижрат?

билмайман, бу бошда яна не савдо,  
 билмайман, не жиндир жонда ракс тушган.  
 билмайман, билишдан надир муддао,  
 билмайман, рух қуши қаёққа учган.

то ҳануз...

наҳотки...

билмайман...

*2012 йил 12 январь*

\*\*\*

Күксим узра ҳаво етиб үлгурмайды,  
Югурман, югурман – буюрмайды.  
Ҳаловатдан масрур диллар ибрат сүйлар:  
Қаноатни тутган ортиқ югурмайды.


Тенглашолмай тарихга не номлар үчди,  
Енгил елга енгилди-ю, шамлар үчди.  
Жондан азиз номин ёдга олган эдим,  
Юрагимнинг хотиридан ғамлар үчди.

Үтган күнлар ўтиб бўлди – ўқинмайман,  
Тўкилсам ҳам, ёнингизда тўкилмайман.  
Ҳар наизаси юрагимни тоблаб борар,  
Эгилмайман, букилмайман, чекинмайман!

*2009 йил 26 апрель*

АМОН

# Юраймнин ярми каерда?



## НОМА

Настарин гуллари муштоқ хатимга...  
Ёдингиз бағрида тунларим оқдир.  
Қайси хизматимга, қай заҳматимга  
Мени зулфингизга боғламиш тақдир?!

Ғуборлар текизмай хаёлингизга,  
Хаёни нарига құвмай севасиз.  
Юрагимни тугиб рұмолингизга,  
Сиз айтмай севасиз, «севмай» севасиз.

Бемаврид хатарни пайқаган қүшдай,  
Қаёққа беркинди түйғулар – инжа?  
Хунобдир амалга ошмаган түшдай,  
Гүмон күксингизга сололмас панжа.

Күнгил құрғонига етказмас шикаст,  
Парволар қылмайсиз ёмғирға, дүлға.  
Күйдириб кетолмас – тафти жуда паст,  
Сув сепиб құясиз ҳижронли йұлға.

Улар севгим каби шаффоғ, бетамаъ,  
Юзга солмас олис гунохларимни –  
Боғимга бегона хазон деб яна  
Супуриб юборманг нигохларимни...

*2008 йыл, октябрь*

\*\*\*

Адашган Ишк суратида елдим дайди,  
Сендан бошқа кимга борсам, малол бўлдим.  
Остонангдан мингинчи бор кетдим қайтиб,  
Эшигингни очолмаган шамол бўлдим.

Чимдимгина нурни кимлар қисиндила,  
Кабутарлар қучоғимда исиндила,  
Мени ўйлаб йиллар оғир хўрсиндила,  
Ҳақиқатнинг ҳиди келган савол бўлдим.

Тоғлар аро кетолмадим кўнгил тусаб,  
Бир нурчехра гул қидирдим – тоза наасаб,  
Элга дарддан кўп бежирим кўза ясаб,  
Ўз баҳтини яратмаган кулол бўлдим...

2008 йил, июль

\*\*\*

Севги, о, гуноҳдошим,  
Тўполончим, бебошим!  
Юрагимга тош отдинг,  
Синай деди бардошим.

Ҳеч гапимга кирмадинг,  
Йўл бошладим – юрмадинг.  
Ёш боладай ортингдан  
Чопганимни қўрмадинг.

Гоҳ тирилдим, гоҳ ўлдим,  
Гадо бўлдим, шоҳ бўлдим.  
Эшиятмадинг, шекилли,  
Янгиланган оҳ бўлдим.

Ҳисларимни ўйнадинг,  
Панд беришни қўймадинг.  
Ўзинг уни қўрсатиб,  
Яна мени қийнадинг.

Қилармисан тасаввур:  
Ё мұхабbat, ё гурур.  
Бир сўз айтар севганим,  
Минг йилгача чидаб тур.

2008 йил 12 сентябрь

\*\*\*

Бундан бүёғига бодомлар бедор,  
Бундан бүёғига бутоқлар бежо.  
Балоғат бүйлаган боғларда баҳор,  
Бунчалар бекиес, бунчалар барно!

Кела қол, новдалар қўймасин гуллаб,  
Яшнамоқ фаслини ўзинг бошлаб бер.  
Қадаминг тафтидан ёнсин ловуллаб,  
Интизор йўлларга нигоҳ ташлаб бер.

Бежиз лаб очишига ошиқма бир дам,  
Ҳали маврид келмас хайру хўшларга.  
Гулларга сабоқ бер вафо илмидан,  
Мұхаббат қўшиғин ўргат қушларга.

Бўйларинг атрига ғунчалар хумор,  
Нафасингни сезиб тонглар жилмайди.  
Оний табассуминг каби бетакрор  
Бу баҳор, бу баҳор қайтиб келмайди!

Кўзларим қаърига қўмилар олам,  
Дилни даста-даста ашъор қилган – Сен.  
Сен каби яшнашни билмайди кўклам,  
Кел энди, баҳорни баҳор қилган – Сен.

*2010 йил, март – авгууст*

\*\*\*

Күзларимга ишон, құлларингни бер,  
Ахир, ғамларингни тұгатмоқчиман.  
Ұзим билмайман-у, лекин, барибир,  
Мен сенга яшашни үргатмоқчиман.

Кел, илми ушшоқни үзлаشتрайлик,  
Бирға нажот топсин бу яримжонлар.  
Орзунинг исмини үзгартрайлик,  
Имконлар навбатда турад, имконлар.

Күнглингдан үзгага қулоқ солмагин,  
Чорла, безовта қыл, тушларимга кир.  
Аммо аро йүлда туриб олмагин,  
Фақат кетмасингга мени ишонтири.

*2008 йыл, декабрь*

\*\*\*

Юракка айландим бошдан то охир –  
Күзим юрак бўлди, вужудим юрак.  
Сурату сийратда улуғ Ишқ зоҳир,  
Қолгани афсона, қолгани эртак.

Қошимда япроқдай титради Дунё,  
Қўлларим чўзаман – узилгиси йўқ.  
Хазонга дўнишни истамайди ё  
Бедиллар пойида эзилгиси йўқ.

Коинот самовий зийнат уфурар,  
Яна қўзларимда жилваланди Нур.  
Юрак эканимни эслатиб турар,  
Шу ёруғ Дунёнинг борига шукур.

Юракка айланиб сирлашар оқшом,  
Тим қора денгизда Оймома сузар.  
Тошиб турар Офтоб – туйғу тўла жом,  
Юракка ӯралган ҳар нарса гўзал.

Тобора маҳкамроқ юмаман қўзни,  
Барча дилсизликка бергандай барҳам.  
Менинг юрагимга жо қилиб ўзни,  
Юракка айланиб бормоқда олам...

2010 йил 2 авгууст

\*\*\*

Севги ёмон, севги дилозор,  
Бор-будымдан мени айирди.  
Андишасиз меҳмондай беор  
Дил уйига сўроқсиз кирди.

Чехрасида жозиб табассум,  
Бир чиройли ҳислардан ийдим.  
Беихтиёр – билмасдан ўзим  
Уй тўрига ўтқизиб қўйдим.

Эъзозладим, бағримни очдим,  
Хизматида бўлдим эрта-кеч.  
Дастурхонга боримни сочдим,  
Шунданмикан, кетгиси йўқ, ҳеч.

Кундан-кунга бўлди яқинроқ,  
(Ё мезбонни ёқтириб қолди.)  
Хаёлимга ташлади қармоқ,  
Мени буткул оғдириб олди.

Ғуруримга кейин солди чанг,  
Ўзлаштирди ичу сиртимни.  
Ҳеч қанақа қўшинсиз – бежанг  
Ишғол этди Кўнгил юртимни...

Энди најот сўрайман кимдан?  
Ё бўшатгим келмас майдонни.  
Ҳайдолмайман ҳануз умримдан  
Севги отли гўзал шайтонни...

2008 йил 26 июль

\*\*\*

Құрқмайсизми, түшингизга кирмай құйсам,  
Хаёлингиз билан сұхбат құрмай құйсам,  
Құнглінгизнинг күчасида юрмай құйсам,  
Құрқмайсизми?

Борлигимни биласиз-у, билмасдайсиз,  
Зорлигимни биласиз-у, билмасдайсиз,  
Муштоқсиз-у, лек назарға илмасдайсиз,  
Билмасдайсиз.

Күнни тунга, тунни кунга айлантирудим,  
Құзларимни үчмас үнга айлантирудим,  
Дил шүрликни бир мажнунга айлантирудим,  
Үйлантирудим.

Атиргулнинг япрогидан тикони күп,  
Яратғаннинг биз билмаган ирфони күп,  
Омон бұлсак, яшамакнинг имкони күп,  
Имкони күп...

*2010 йыл 28 октябрь*

## САС

Соя солмиш сабримга Соғинч,  
Саратонда сенсиз совқотдим.  
Соҳилларда сарғайды севинч,  
Сирларимни сұзларга сотдим.

Сочинг силаб саболар сархүш,  
Сезмайсанми, сездирмайсанми?  
Савол сонсиз, ситамлар серпушт,  
Севмайсанми, севдирмайсанми?..

2010 йыл

Салтанаттың көмкөя атасынан  
Домырткүнде тура шынып жағынан  
Түннен күннен күннен толық кесілді.  
Теңізде топырақтың дарынды әтілді.  
Күннен күннен аспаның көмбәзе түннен  
Көмбәзде күннен шынып жағынан  
Түннен күннен күннен толық кесілді.  
Домырткүнде тура шынып жағынан  
Түннен күннен күннен толық кесілді.  
Теңізде топырақтың дарынды әтілді.

2010-жыл 20 шіле

## **КҮНГИЛ**

Хеч бұлмаса, хафа бұлдим де,  
Ё бұлмаса, бирор сүз айт, ҳой!  
Фақат бундай қарама менга,  
Күзим тегиб синиб қолган Ой.

*2008 йыл, сентябрь*

\*\*\*

Сизни яратғандан мени қызғонманг,  
Келинг, ул яктоңи севайлик бирга.  
Беҳуда ұртаманг, бекорға ёнманг,  
Азиз үмримизни ұрайлик нурға.

Борлигингиз – хаста рұхимга далда,  
Ҳамма сүйган ёрдан рашқ қылмак... Нега?  
Ахир, ұзингиз ҳам билмаган ҳолда  
Худони эслатиб тұрасиз менға.

Лойимни пишириб борар оловлар,  
Барча юлдұзларға үзим бошлиқман.  
Ҳушидан айрилиб сүйса бирөвлар,  
Мен севиб ақлини топған ошиқман.

Бизни яратғандан мени қызғонманг,  
Ой ул ёр ишқида сархұш фалақда.  
Беҳуда ұртаманг, бекорға ёнманг,  
Асрайлик, асрайлик Уни юракда.

2007 йыл 5 августр

Мен – ўзини сотиб қўйған қул,  
Хаёлимга занжир солиб бер.  
Ўзингдан ўзгадан озод қил,  
Юрагимни ундан олиб бер.

Осмон эдим, қандай эгилдим,  
Қаро ерга дондай тўкилдим,  
Наҳот, шунча осон енгилдим,  
Юрагимни ундан олиб бер.

Қандай ишқ бу, йўлдан чалғитса,  
Ўтдан олиб ўтга ирғитса,  
Паришонман, яна тўзғитса...  
Юрагимни ундан олиб бер.

Бир нигоҳга мендай зормас у,  
Тоза дардга интизормас у,  
Мени Сенга олиб бормас у,  
Юрагимни Гулдан олиб бер.

2008 иши, май - июнь

## СЕН

Биз икки соҳилда бирдай қийналдик,  
Хүмор күзларингдан түкилди олмос.  
Энди қандай яшай – рұхимда ҳадик,  
Сени күрмасам ҳам, күрсам ҳам бўлмас.

Кўксимда юлдуздай сўзлар асрарим  
Бир куни баҳтингни порлатадиган.  
Севги – бўғзимдаги кўхна ҳасратим  
Кўнглимни самога ўрлатадиган.

Нима учун ёндим, авж олдим нега?  
Дардим-ла дардингни олмоқчиман-ку!  
Рұхинг унутмасми мени эртага,  
Сен билан Ҳақ сари бормоқчиман-ку!

2008 йил 6 июль

## **ФАЛАТИ ХОББИ**

Мен унинг қалбига кирмадим үйнаб,  
Боқсам, күзларидан ҳасрат ёғарди.  
Ү лаззат оларди үзини қийнаб –  
Мендан хафа бўлиш унга ёқарди.

*2008 йил, октябрь*

\*\*\*

МЕРОХ НЕАЛАР

Шу кеча эртагин тұгатмаса қор,  
Сен совуқ қотмасанғ – уйға кирмасак,  
Оқ, оппоқдан бұлак рангни билмасак,  
Майлига, кечикса кечиксін бақор.

Эртани үйлама, чүчима сира,  
Айни дам йиқилиб тушмасанғ бұлди,  
Құлымдан маҳкамроқ ушласанғ бұлди,  
Ҳар босган изимиз биллур хотира.

Күмуш осмон гулдай сочар мөхрини,  
Оқиста чекиниб түн пардалари,  
Юзингда порласа ой парчалари,  
Қорлар үчиролмас севгим мұхрини.

*2008 йыл 29 декабрь*

\*\*\*

## САПДАС

Күзни юмиб севдим, севиб күз очдим,  
Күхна изтиробдан янги сүз очдим.  
Бир Қүёш айланар қорачиғимда,  
Оташин уфқларга қайта юз очдим.

Покиза гүдакдек жилмаяр дунё,  
Севгимнинг кафтида улғаяр дунё.  
Аzonдай беозор уйғотиб тонгни,  
Муқаддас булоқда юз чаяр дунё.

Шамол қулоғимга шивирлайди шеър,  
Юракка ҳамоҳант энтиқмоқда ер.  
Мудраган оламга ҳайратлар сочиб,  
Ошкор бұлаётир үн саккиз ёш сир.

2009 йил 14 март

## САВДОЙИ

Хаёл бир зум ҳаловат бермас,  
Қарамасанг, на иложим бор?  
Күз қирингни ташлаб құйсанг, бас,  
Назарингга әхтиёжим бор.

Қайси ошиқ иқболға ошно,  
Күнгил күнгил күйіда бежо,  
Хөч лаззатдан топмадим маъно,  
Озорингга әхтиёжим бор.

Нокис севгім иззалар қилиб,  
Холим күриб маз-залар қилиб,  
Жигаримни жizzалар қилиб  
Гузарингга әхтиёжим бор.

Хар Зұхроқи, осмон талашган,  
Ой не керак – ой ҳаммалашган,  
Шафқат билмай жон савдолашган  
Бозорингга әхтиёжим бор.

*2009 жыл 13 августр*

\*\*\*

Түшингизга кирганим учун,  
Ёдингизда юрганим учун,  
Сизни яхши құрғаним учун,  
Худо мени асраса керак.

Дуонгизни айлаб ижобат,  
Балолардан этиб ҳимоят,  
Ажални-да қилиб хижолат,  
Худо мени асраса керак.

Қандай масъуд бу ошиқ халқи,  
Аршга бориб туташар шавқи,  
Севилганим, севганим ҳаққи  
Худо мени асраса керак.

2009 йыл 26 авгууст

\*\*\*

Мен сизга бегона бўлмоқчи эдим,  
Жой бергим йўқ эди ҳатто тушимдан.  
Шундоқ ҳам ҳар нарса тифиз дунёда  
Ўй-ташвиш айирай дейди ҳушимдан.

Муттасил кимнидир ахтариб келдим,  
Мўлтираб ҳар ёнга бокдим интизор.  
Шу қадар девона яшарми эдим,  
Башарти ўзимда бўлса ихтиёр.

Сиз-ку аллақачон кечар эдингиз  
Ўртаниб, ўртаган ғариб Мажнундан.  
Таассуф, ҳаммаси ҳал бўлиб бўлган  
Кўзингиз кўзимда жилмайган кундан.

Шеър қилиб сочаман бутун дардимни,  
Софинсам, беркиниб оламан тунга.  
Сиз хира хотирот аро гирёnsиз,  
Ҳали ҳам бегона бўлолмай менга.

2009 йил 28 июль

## АЧЧИҚ ХУЛОСА

Баҳорнинг йўлига қўз тутганим йўқ, –  
Вафосизлар билан чапман-да.  
Ҳали ўз-ўзимни унуганим йўқ,  
Демак... ҳануз севолмабман-да.

2008 иш 24 октябрь

\*\*\*

Ёлғиз-ёлғиз хаёллар сурдим,  
Маломатнинг хиди ҳар ерда.  
Тушларимда тентираб юрдим –  
Юрагимнинг ярми қаерда?

Шовуллайди беором боғлар,  
Ҳар япроқда ҳасрат гупурса.  
Уваланиб кетарди тоғлар,  
Бир азиз бош елкамда турса...

Азоб роҳат қилар қонимда,  
Сингиб борар жонга нур тафти.  
Учай дейман – йўқсан ёнимда,  
Қайлардасан, қанотим жуфти?

2009 йил, апрель

Любимые чайные напитки  
Сладкие, ароматные  
Вкусные, питательные  
Прекрасные для здоровья.

# Плазони

Всё сырье Тверской области  
Любимые чайные напитки  
Вкусные, питательные  
Прекрасные для здоровья.

Масляный чай  
Свежий чай  
Сладкий чай  
Компоты



\*\*\*

Нега ҳолинг паришон?  
Нечун бошинг эгилган?  
Қайдан келди бу туғен –  
Юрак муштдай тугилган.

Гарчанд тақдир тұқынмас,  
Ният безар аъмолни.  
Ерни тепиш мүмкінмас,  
Сүкиб бүлмас шамолни.

Құлда тутиб қол нақдни,  
Бир чақадир қолгани.  
Яхши-ёмон шу вақтни  
Яшаб үтсанг бўлгани.

2009 йил 27 февраль

## АРАФА

Шамоллар тұхтади, суронлар тинди,  
Оқара бошлади оламнинг ранги.  
Борлықта фусункор сукунат инди,  
Тұқилиб бормоқда түйғулар занги.

Үй суриб үлтирап донишманд тоғлар,  
Дов-дараҳт ненидир сезгандай зийрак.  
Нега ой юзида құрингас дөғлар?  
Юлдузлар шивири нимадан дарап?

Мұхаббат бир тараф, викор бир тараф,  
Охиста солланар ғұнчалар – барқұт.  
Сарап-сарап бўлиб сўзлар тортгай саф –  
Қутлуғ бир айёмга қўрар тарадду...

2009 йил, июнь

\*\*\*

## АДАЛА

Бежиз ёмғир бўлганим йўқ-да,  
Томчисида яна минг томчи.  
Бир он ғубор ютишдан тўхта,  
Дунё деган кекса алдамчи.

Кечаги кун – ёруғ хотира,  
Боқий бўлар бугунги кунлар.  
Ҳали ҳислар бордир бокира,  
Куйла, куйла, қалб бўлиб куйла.

Тўкилгудай туйғулар тошар,  
Тўлиб борар муҳаббат жоми.  
Тазаррулар қилсак ярашар –  
Бизницидир поклик айёми.

Бежиз ёмғир бўлмадим, ахир,  
Дил ойнасин бир артгим келди.  
Англамоқчи бўлдим ненидир,  
Ниманидир эслатгим келди...

*2011 иил 4 февраль*

\*\*\*

Бир лаҳза ҳолимга қўймади ўйлар,  
Босиб келаверди – тошлари оғир.  
Қўксимни кўйдирди мукамбар кўйлар,  
Бурда-бурда бўлди бир бурда бағир.

Бўйнимда соғинчнинг гўзал сиртмоғи,  
Ҳаддан ортиқ севиб ҳаддимдан ошдим.  
Ўпкамни қўлтиқлаб юргурган чоғим  
Шошган бўлсан фақат яшашга шошдим.

Раббимга айтганим бордир, бегумон,  
Гоҳ метин, гоҳ забун – бандалик шуми?!

Мени қайга бошлаб кетмоқда ҳижрон,  
Ортимда йилларнинг қора қўйқуми.

Оғим чалишар, этим увишар,  
Сабаблар сабабин, кошки, билолсам.  
Ҳаммаси, ҳаммаси жойига тушар,  
Ишончнинг қўрида исиниб олсам...

2011 йил 14 - 16 январь

\*\*\*

Жаноза ўқылди қанча сатримга,  
Не-не ҳисларимни айладим қурбон.  
Софинчлар кафанлар бичди сабримга,  
Хануз жон озурда, ҳамон дил сарсон.

Қайғулар оқарди, сарғайди қувонч,  
Йилларнинг ҳукмига күндим-күнмадим.  
Неча бора ўлиб-тирилди ишонч,  
Ўзимга қонмадим, ўзга қонмадим.

Нима у, ҳеч қуймас ҳоли-жонимга,  
Ҳаётимни остин-устун қилган не?  
Ўлатдай ёпишган гирибонимга.  
Умрим, азиз умрим кетмасми зое?

Очила қолсайди ул құлфи махзан,  
Эң қескир сүзлар-ла ёрдим дилимни.  
Мени кашф этаркан қайси бир лаҳза,  
Қай аср тушунар экан тилимни?

2010 йыл 4 авгууст

## ТАСКИНЛАР

Яхшиям, сұлишин билмайди гуллар,  
Хали не бўлишин билмайди гуллар.  
Бўлмаса, очилмай қўярди.

Хайрият, ҳозирча билмас барини –  
Ҳаётнинг хурмача ҳунарларини.  
Йўқса, дил сочилмай қўярди.

Минг шукур, сўзларни бўлмайди алдаб,  
Акс ҳолда, шеъримиз фитнакор атаб,  
Ҳақ бизни кечирмай қўярди.

*2011 йил 16 ноябрь*

ТАЛАНДАС

\*\*\*

Кимнинг ҳузури деб ким сарсон бўлди,  
Бирор бирор билан андармон бўлди.  
Тарози палласи тенг келмади ҳеч,  
Ким қиммат талашди, ким арzon бўлди.

\*\*\*

Дерларки, жангдан сўнг ботир кўпаяр,  
Иш осон кўринса, шотир кўпаяр,  
Атрофда дарди йўқ талабгор бўлса,  
Майдонда хашаки шоир кўпаяр.

\*\*\*

Не учун ҳолимга ачинмайди тил,  
Эртанги сўроқдан чўчимайди тил?  
Оғзимга қум солиб, жим турай дейман –  
Бекордан-бекорга қичимайди тил.

2009 йил, май

\*\*\*

Хар кимга ҳам насиб этмайдиган Баҳт  
Зарра нигоҳимга бўлганида зор,  
Жавобимни кутиб пойлаб турса Вақт,  
Барини рад этсам такрор ва такрор;

Мазлум кўзёшига қоқилмай деб бот,  
Дорда юрган каби ҳушёр қадам-ла –  
Қўлларимда лангар, сўрасам нажот,  
Саодат тонгига элтса бу ғамлар.

Ногаҳон Рӯҳ қуши тилга кирганда,  
Асли ким эканим туйқус англадим.  
Сип-силлиқ кўчалар чорлаб турганда,  
Мен шу баҳтиқаро йўлни танладим.

Нечун чорлайверар сир тўла само?  
Балки, кимдир бизга илҳақ қўкда ҳам.  
Учиб кетгим келар юлдуздай, аммо  
Ерда Одам танқис, бунда Одам кам.

Ҳамон имлайверар юлдузлар зимдан  
Тангрининг беминнат назари ила –  
Оёқ узгим келмас мушфиқ Заминдан,  
Видолашгим йўқдир майсалар билан!

*2011 йил 7 - 8 апрель*

\*\*\*

Ишингиз бұлмаса чекишдан бұлак,  
Керагидан ортиқ бұлса вақтингиз.  
Хавони захарлаб қылсанғиз эрмак,  
Хатто үзингизга келмай раҳмингиз.

Қочинг, халал берманг, бұшатинг йўлни,  
Бехуда бир нафас ортиқдир бу дам.  
Биздайлар учун ҳам қон қилиб дилни,  
Нажот сұраш учун кетмоқда Одам.

2010 йыл 12 шуоль

\*\*\*

Ұзингни яхши күр, одамларни сев,  
Беҳуда үйлардан қизғон умрингни.  
Малакка айлансын ичингдаги дөв,  
Күтқар күксинг ичра гирён қумрингни.

Табассум тафтида чеҳрангни очгин,  
Тайинли сабаб йүқ аччиқланғани.  
Махзани меҳрингдан марварид сочгин,  
Ұзингга зиёндир қаттиқлашганинг.

Қаёққа йұл олар қалам – қаландар,  
Сен юрак йұлидан юришни ўргат.  
Жондан ұтиб кетса эски аламлар,  
Мардларча лаб тишлиаб туришни ўргат.

Ишқ әрүр тоабад күнгил сайқали,  
Мұхаббат – ишончдир, мұхаббат – иймон.  
Самандар руҳингни асра аввали,  
Күксингда порлаган қуёшга ишон.

2012 йыл 9 февраль

\*\*\*

Алам қилмай қўйди ҳеч бири,  
«Чиқ» дейди-ю, ўзи чикмас Вақт.  
Мен Ҳаётни борича сўйдим,  
Ҳар томонда, ҳар қадамда Бахт.

Озор санчмас юракка ортиқ,  
Бу гулларнинг ифори ўзга.  
Кечаги жўн, совук одамлар  
Жуда иссиқ кўринар кўзга.

Аллақачон овутиб олдим  
Кўнглимни(нг) шўр кўз ёшин артиб.  
Ҳаммасини кечириб бўлдим  
Ўзгалару ўзимдан тортиб.

Қандай ёвуз кучлар бор бунда,  
Билмаганим яхши – билмадим.  
Ғўр мавсумдан розиман, шаксиз,  
Хато қилиб хато қилмадим...

2009 йил, июнь

## ТАЪБИР

Эртага бошқача нур экар қүёш –  
Эртага ҳаммаёқ ёруғ бўлади.

Тўкилса, қувончдан тўкилар кўз ёш,  
Еру кўк ғубордан фориғ бўлади.

Армон бир доғ мисол йўқолар ўчиб,  
Булутдай тарқалур диллардан қадар.  
Омонлик тилаиди бир-бирин қучиб  
Чумолидан тортиб чаёнга қадар.

Тўйгулар чашмида нурлар ранго-ранг,  
Кўнглингни ёзасан киройиларга.  
Чехранг очилади қай томон боқсанг,  
Оlam тўлиб кетар чиройиларга.

Бахт қўшиқ, куйлайди – ўқтам овози,  
Хуш садо тўлдириб келар самони.  
Ҳамма тақдиридан миннатдор, рози,  
Ажрата олмайсан шоҳу гадони...

*2009 йил 16 декабрь*

\*\*\*

СИЛАТ

Китоб бўлганимда, сизга борардим,  
Қизғанмай тутардим варақларимни.  
Уйингизга Қуёш олиб кирадим,  
Тунлари ёқардим чироқларимни.

Чанг еб қурбон бўлди қанча бечора,  
Тафаккур тақдири кимнинг дастидаги?  
Жавонда ялтираб турғандан кўра,  
Бахтлироқ бўлардим ёстиқ остида.

2008 йил

\*\*\*

Занжирлар үзилса, кишанлар синса,  
Ортиқ юқинмасаң шу эски тосга.  
Ұзлигин йүқотған рұхға файз инса,  
Умрингни буркасанғ боқый ихлосга.

Шояд, үз номини унұтса хаёл –  
Хақиқатта дүнса бой тасаввурлар.  
Дүнёни мұхаббат айласа ишғол,  
Замин чехрасидан ёғылса нурлар.

Қалб құзин фикратта эш қилиб боқсанг,  
Нигоҳингнинг үзи улуғ шеър бұлса.  
Әңг күхна ҳикматлар мағзини чақсанг,  
Әхсонга айланса, дил не дер бұлса.

Яшасаң, шу құйи яшасаң мудом,  
Хаёт китобида зархал битикдай.  
Ұлим-да мард бұлса, қилмаса ғирром,  
Юрганга яраша юрсанғ тирикдай...

2012 жыл 8 февраль

## ХАЁТ

Гоҳо тоқат етмай ноз-фиғиға,  
Маңшуқдай астайдыл бұлса-да хаға,  
Жағоблар бермасам құнғиғиға,  
Құнглимни олиш-чун уринган дағъа.  
Ұзимни құзидан йироқ тұтсам ҳам,  
Аччиқ-аччиқ гаплар айтиб, камига,  
Ү ҳақда түшкүнроқ байтлар битсам ҳам,  
Турфа хил таңалар тиркаб номига;

Кұнглимни сұраманғ, асти сұраманғ,  
Мен уни, барибир, яхши құраман!

2010 йыл 3 наурыз

## ТҮГИЛИШ

Тонгни алёр айтиб уйғотди бұлбул,  
Оlamга тарапди тириклик иси.  
Аста бош күтәрап чехраси гулгүн  
Қыёш – юлдузларнинг эң чиройлиси.

Ором олар бүлди, ниҳоят, Чүлпон,  
Янги күн нафаси элитар бекес;  
Кундузнинг бағрида яйрайди осмон,  
Бүгүннинг жамоли чиндан бекиёс.

Зулмат залворидан үзни қутқазсанг,  
Синалган созлари синмас саботнинг.  
Хар түнни Юлдуздай порлаб үтказсанг,  
Муродбахш күнлари күпдир ҳаётнинг.

*2011 йил 24 август*

\*\*\*

ІСМАННЫТ

Хар лаҳза тийилиш азобига банд,  
Юрак – қафасдаги некбин орзуманд.  
Зұлмат мил тортишга өзгеланар ҳарчанд,  
Мудом шамси анвар құзимга пайванд.

*2010 йил 18 декабрь*

Павалло



?..

Йұқ, ҳали олдинда видо онлари,  
Фақат бир қайрилиб ортимга бөкдим.  
Мени деб ёришди кимнинг тонглари,  
Кимнинг қарогига шамчироқ ёқдим?

Йиртиб отмайдиган шеърларим борми?  
Менга қарши гувоқ бүлмасми сүзлар?  
Ранжитганим йүқми қишини, баҳорни?  
Рози кетдимикан мәхмөн ёз, кузлар?

Бир куни Юрагим тилга кирганды,  
Сүйганим үзимга бүлмасми зиён?  
Құзларим барини сотиб турғанда,  
Мени қутқарғани келарми Иймон?

Қандай бүлар экан ишонч меваси?  
Эккан-тикканларим пушмөн бермасми?  
Оғир ботмасмикан қалбим шеваси?  
Қаттиқроқ йұталым исён әмасми?!

*2008 жыл, октябрь*

\*\*\*

Чиқиб кетса эди шу иблис қондан,  
Сұңг топа олмаса мангуға изим.  
Бир Ҳаёт бошласам үшал ҳур ондан,  
Үз олдимда шувут бұлмаса юзим.

Қайтадан тозарсам – севсам қайтадан,  
Чалғитмаса машъум хаёллар бир зұм,  
Арш сари зиналар қўйсам тавбадан,  
Саодат асрини эслатса умрим...

2010 йил

\*\*\*

Бу хатолар, аччиқ хатолар  
Хүзурингга очиб берди йүл,  
Саволларга дуч келдим нұқул,  
Юрагимда сассиз садолар.

Қанотларим күйіб пастладим –  
Баланд уча олмас ёлғизлар,  
Мудом йүклик изимни излар,  
Үзгинаңни Сенға асрадим.

Құлда қолиб кетди дуолар –  
Нима бўлди? Нима жин урди?  
Кипригимга азоб ин қурди,  
Энди мени дардлар даволар.

Яхшиямки, хатоларим бор,  
Йўқса, мени сўймасми эдинг,  
Ёмғирларга тўймасми эдим...  
Дийдор юрти бўлди тавбазор.

*2008 йил, сентябрь*

## ТАВАЛЛО

Хар ким үз қисмати қошида ёлғиз,  
Гарчи атрофимда дұстлар бор – холис,  
Улар уммондаги хас каби ожиз,  
Үзингдан үзгага айтар дардим йүқ.

Оғир бу йилларнинг тоши енгилми,  
Бирор ечолмади тилсім севгимни,  
Укратмасанг, қайдан топай тенгимни,  
Үзингдан үзгага айтар дардим йүқ.

Умримни чүқилаб зоғлар алмашди,  
Йүқолиб-йүқолмай доғлар алмашди,  
Елкамдан түшолмай тоғлар алмашди,  
Үзингдан үзгага айтар дардим йүқ.

Үйларим кишанда, күнглім кишанда,  
Сүрадим – сүрашни қылмадим канда,  
Авлиё бұлса ҳам, бандаси банда,  
Үзингдан үзгага айтар дардим йүқ.

Савобу гунохда бекарордирман,  
Ажаб, шу ҳолимга сервиқордирман,  
Умидсизлик аро умидвордирман,  
Үзингдан үзгага айтар дардим йүқ!

*2009 йыл 5 августр*

\*\*\*

Сәдәт

Шу чиркин матоҳга борми учмаган?  
Барининг онгига ғубор сачраган.  
Бойликни кир қоғоз билан үлчаган  
Тұдага тескари боқишини үргат.

Бу йўлда юзини йўқотган кўпdir,  
Илдизу изини йўқотган кўпdir,  
Энг керак сўзини йўқотган кўпdir,  
Аларнинг сафидан чиқишини үргат.

Дарёлар бағрига сиғмас жилғаман,  
Бирда сокин эсам, бирда долғаман,  
Лойқа ҳислар билан тағин булғамай –  
Тубигача тиник оқишини үргат.

Тошларнинг кўнглига бир бор қўл солсан,  
Ранжима, қошингга пича кеч қолсан,  
Адашиб-адашиб йўл топиб олсан,  
Юракдан чангларни қоқишини үргат.

2009 йил 10 май

## ТАҚВО

Улар ўқтам, минг бор шижаатлироқ,  
Кечә-кундуз қойим, құлида тасбек,  
Яратганга мендан итоатлироқ,  
Хар нега соатлаб изламас ташбек.

Шамол шовқинидан бежоланмайды,  
Тұнлари дув-дув ёш түккани билан.  
Шохларин силкитиб ҳаволанмайды,  
Кунда бир мұйжиза түккани билан.

Хар нечук, қисмати ойдин экан-да,  
Ғұдир пешонаси бунча ярақтар.  
Бош әгіб ҳам ўсиш мүмкін, дегандай,  
Таъзим қилиб турар мұлло дарахтлар.

*2010 йил 9 сентябрь*

## ҚАЙТИШ

Тинч қўймайди саволлар – саркаш,  
Кўксимга ўқ отгани-отган.  
Бирор чора сўрасам, дил ғаш,  
Оламлари сукутга ботган.

Йифлаб борсам, ҳўнграб чиққайлар,  
Табибларим ўзимдай хаста.  
Бечораҳол, маъюс боққайлар,  
Ҳаммасининг кўнгли шикаста.

Кимга айтиб, кимга ёлворсам,  
Ўз фамидан ортолган ким бор?  
Этагидан тутай деб борсам,  
Муршидимнинг ўзи пирга зор.

Сўраб-сўраб тилим толмади,  
Қани бошим тўсар чўгирма?  
Мени ҳеч ким қабул қилмади,  
Энди Сен ҳам юзинг ўгирма...

2009 йил 28 апрель

\*\*\*

Масjidга ұхшаса әди бу дунё,  
Ишонч бирлаштирса одамиятни.  
Оқибат дегани бұлмаса рүё,  
Хеч кас йұқотмаса ор, ҳамиятни...

Ҳамма тарқалмоқда дилга бериб зеб,  
Яна оташ олди юракда бир Чүр.  
Меҳримни әхсондай улашайин деб,  
Ташқарига чиқсам, пойабзалим йүк,

*2010 ыйы*

\*\*\*

Ортиқ жимиб бўлмас, йўқ, жимиб бўлмас,  
Шунча ютқизиқقا кўз юмиб бўлмас,  
Ахир, ғам ортидан ғам шимиб бўлмас,  
Ё Ҳақ, Ҳақ сўраган қалбга нусрат бер.

Бу қандай шажардур, туб томон ўсган,  
Ҳар куртак кўзини ғофиллик тўсган,  
Бир уйғоқ сўз айтсанг нафаси қисган –  
Элатга уйғониш учун қудрат бер.

Буюкларин бир-бир ташлайди ўрга,  
Сағсата сотганни бошлайди тўрга,  
Борини бой бермиш данғир-дунғурга,  
Ўзинг бу саҳнага ўзга суврат бер.

Битмас яраларим буткул биткаргин,  
Кўнглимдан ўтганин элга ўткаргин,  
Мени қавмим билан бирга қутқаргин,  
Пешонамга бошқа ёруғ қисмат бер.

2010 йил, июнь

\*\*\*

Бардош либосининг иплари тиғдан,  
Амаллаб кийдингми, ечишдан не наф?  
Күзингни яширма күнгли мунглуғдан,  
Сева олиш шараф, севилиш шараф.

Дақёнусдан қолган бу даҳри дунда  
Бир янги заррадай күзга илинсам.  
Муродим гуллари очилган кунда,  
Не тонг, яшаш учун маҳкум қилинсам!

Сүнгги нафасгача эшиклар очик,  
Үз ҳолидан ўзи гумонда гумон.  
Наздимда, күрмаган бу қадар Ошик  
Бир томчи Дийдорга ғарқ бўлган жаҳон...

2008 йил, ноябрь

\*\*\*

Юборсанг Ұзингнинг ёнингга юбор,  
Чақирсанг Ұзингнинг қошингга чақир.  
Күзимдан ұтолмай саргашта ғубор,  
Номингни айтганга нажот бор, ахир.

Ёдінг-ла банди эт саркаш хаёлим,  
Бошқани үйламай, бошқани демай.  
Сохиби құдратим, Сохибкамолим,  
Ұзгани Ұзингдай севдирма – севмай.

Құрқаман ёлғондан, құрқаман чиндан,  
Хаётбахш сұзларға тилимни бойла.  
Тазарру мендандир, мағфират Сендан,  
Раҳм айла, раҳм айла, яна раҳм айла.

Манглайга Ошиқ деб дастхат битиб қўй,  
Тоабад дунёга ишқим тушмасин.  
Муҳтоҗман, бундан-да муҳтоҗ этиб қўй –  
Ұзингдан бошқага ишим тушмасин.

Нуқтача бўлолмай қотдим қаршингда,  
Осий ҳисларимни буткул даф этгин.  
Вужудим баҳшида, Рӯҳим баҳшида,  
Севгимни Севгингга мушарраф этгин.

*2010 йил 10 августр*

## ЧОРА

Ү қадар мұраккаб әмасди дүнё,  
Үнча ҳам құрқинчли әмасди дардинг.  
Тушуниш илмиға тобинг йўқ, илло,  
Барчасини ўзинг тўқиб чиқардинг.

Гар аслинг қародир, оқ бўлолмайсан,  
Риё либосига ўранган билан.  
Осмон бўлолмайсан, тоғ бўлолмайсан,  
Бу ҳолда милён йил чиранган билан.

Ҳеч неъмат беҳикмат этилмас ато,  
Нимага шамадир Ойнинг тўлгани?  
Самодан бир назар керакдир, ҳатто,  
Эшак бозорига даллол бўлгани.

Азалнинг тупроғи нақадар хүшбўй!  
Ўзингга ўзингдан шифо бер – тузал.  
Қадамингдай майда қаричингни қўй,  
Бошингни эгиб кўр, ҳаммаси гўзал!

*2010 йил 13 октябрь*

\*\*\*

Раҳматингми, заҳматингми бу –  
Адо қилдим үзимни үзим.  
Не-не қалбга йўл кўрсатди-ю,  
Ўз-ўзимга ўтмади сўзим.

Чеклаб-чеклаб чарчадим үзни,  
Текис жойдан юрмадим атай.  
Менга бергин ўша бир Сўзни,  
Дунёдан кенг дунё яратай.

2010 йил 1 июль

\*\*\*

На бүгдой, на сомонман,  
На яхши, на ёмонман,  
На тутқун, на омонман,  
Мен ким бўлдим, Мавлойим?

Кетгим ё қолгим келмас,  
Овора бўлгим келмас,  
Яшагим, ўлгим келмас,  
Мен ким бўлдим, Мавлойим?

Кўкламимда хазонлар,  
Мезонимда найсонлар,  
Сукутимда туғёнлар,  
Мен ким бўлдим, Мавлойим?

Мўмин кўзи оч бўлмас,  
Томошага ўч бўлмас,  
Орзулари пуч бўлмас,  
Мен ким бўлдим, Мавлойим?!

*2009 йил, сентябрь*

\*\*\*

Мен мингта, эхтимол, ундан-да зиёд,  
Хар күзгү аксида турфа талқынман.  
Қайси бир қиёфам буткул Сенга ёт,  
Қайси қиёфамда Сенга яқынман?

2010 йыл 30 июнь

\*\*\*

Мұхаббат дегани эҳсондир, асли,  
Эңг әзгу сүзларим әлга садақа.  
Мен Сенинг сир тұла севгингга таслим,  
Ишқ ганжи олдида дунё бир чақа.

Юрагим ёришар ёдинг нуридан,  
Хаётта қайтаман исмінгни айтиб.  
Хүш наво таралар дил танбуридан,  
Севгімдан севгилар үйғонган пайти.

Билмасман, не тахлит тугайди байтим,  
Тасаввурға сиғмас шеърим якуни.  
Мен фақат күнгімдән ўттанин айтдим,  
Шакли оқанрабо, Дарддир мазмұни...

*2011 йыл 9 сентябрь*

\*\*\*

Тасбех айтаверсам, зикр этаверсам,  
Ёдингга күмилиб кетса баётим.  
Берсангу бермасанг – шукр этаверсам,  
Ибодатга дұнса бутун ҳаётим;

Ҳар гапим сўзларнинг сараси бўлса,  
Катта кетмасам ҳам майдалашмасам.  
Маконим маънолар ораси бўлса,  
Дунё талашмасам, жоҳ талашмасам;

Мадор бериб турсанг, ҳолсизлатмасанг,  
Юрак тўхтамаса севишдан бир он.  
Ўзимга қўймасанг, ёлғизлатмасанг,  
Сенинг дўстларингга дўст тугинса жон;

Буюк таскин ила қўнглим шодласанг,  
Давлатманд айласанг қаноат билан.  
Фақат, фақат Ўзинг мукофотласанг  
Икки дунёга teng Саодат билан...

*2011 йил 24 ноябрь*

\*\*\*

Меҳрининг чашмига хұб чанқоқ севдим,  
Ёлғиз Ү ягона, манам тоқ севдим,  
Найлай, тоқатимдан ортиқроқ севдим,  
Холимни сұрмаса, ҳолим ёмондур.

Муроду мақсудим ҳосил қилгувчи,  
Истаса, ажрига ноил қилгувчи,  
Нури иймонимни комил қилгувчи  
Холимни сұрмаса, ҳолим ёмондур.

Шам янглиғ умримни ёрқинроқ қилиб,  
Жавзосин жонларга салқинроқ қилиб,  
Шоҳ томиримдан ҳам яқынроқ келиб  
Холимни сұрмаса, ҳолим ёмондур.

Хозирдир хүш-нохуш гумонимда Ү,  
Барқарордир рухи равонимда Ү,  
Ишқ онлари менинг томонимда Ү,  
Холимни сұрмаса, ҳолим ёмондур.

2010 йил 22 сентябрь

\*\*\*

Раҳматига ихлос айлаб заҳмат чексанг,  
Оғриқларинг ҳаловатга айлансалар.  
Дил боғига алвон-алвон гуллар эксанг,  
Хушбүйлари салавотга айлансалар.

Марвариддай лаҳзаларни йиққанингда,  
Уфқлар сари манзур-манзур боққанингда,  
Камтарликнинг чўққисига чиққанингда,  
Таъзимларинг салобатга айлансалар.

Ёлғиз Унинг ёди бирла ўйга чўмсанг,  
Ёлғонларни қайтиб чиқмас жойга кўмсанг,  
Ором чоғи кўзни қўрқмай, қўрқмай юмсанг –  
Ўйқуларинг ибодатга айлансалар.

Томирингда оқар ҳаёт нашидаси,  
Ҳар қадаминг – тирикликнинг қасидаси,  
Бир ўзгариб ғамнок дунё харитаси,  
Андухлари саодатга айлансалар.

Тафаккурдан қанот боғлаб кўкка учсанг,  
Сўнг юракнинг суханида гавҳар сочсанг,  
Жумла жаҳон баҳтиң сўраб кафting очсанг –  
Дуоларинг ижобатга айлансалар...

*2010 йил 11 сентябрь*

\*\*\*

Улардан ном сұраб қанча ялиндим,  
Ёддан чиқмас қилиб номлаб бер мени.  
Бұлиндим, мингга, юз мингга бұлиндим,  
Битта қиёфага жамлаб бер мени.

2009 йыл 21 июль

\*\*\*

Хаддан ортигини сұрамадим-ку,  
Бежиз совурмайин күзим нүрини.  
Үтениб тиладим, ахволим танг-у,  
Фақат зарурини, эңг зарурини.

Юзимгача тошиб чиқди гунохлар,  
Ночор қочиб юрдим турфа назардан.  
Улканлашиб борар күксимда доғлар,  
Безорман, ўзимдан тамом безорман!

Яшашни ўргат, эй буюк Мұраббий,  
Новвотга айлантир юрак шүримни.  
Бутун қилиб бергін хаёллар каби  
Хар жойға сочилиб ётган умримни...

2011 йыл 10 февраль

## ИБРАТ

Гадосифат бойни ҳам,  
Денгиз ютган сойни ҳам,  
Игна кирган жойни ҳам  
Бир Зот күриб турибди.

Эл ошаган ошларни,  
Ерни үпган бошларни,  
Пинхон-пинхон ёшларни  
Бир Зот күриб турибди.

Ким ортимдан отмиш үк,  
Ким соямга қилар дүк,  
Адоватим, гинам йүк –  
Бир Зот күриб турибди.

Дилинг соғми ё бемор,  
Ичинг ичида не бор,  
Гарчи түрт ёнинг девор,  
Бир Зот күриб турибди.

Парда шитирлашидан  
Нега құрқасан, эй, тан,  
Пардасиз нури билан  
Бир Зот күриб турибди.

Беҳзод, гул эк изингга,  
Хазир бүлгин сүзингга,  
Хар не қилсанг – үзингга,  
Бир Зот күриб турибди.

2009 йыл 26 июнь

## МАЙЛ

Бу қандай бедодлик, бу қандай исён,  
Үз соям үзимни ютаман дейди.  
Менмас, ичимдаги махлук, Художон,  
Дунёning тагига етаман дейди.

2009 йыл 13 шуоль

\*\*\*

Нечун жон шикаста, нечун рух беҳол,  
Күнглиминг эгнида кир ридомиди?  
Бирорга заррача келтирмай малол,  
Ё Худо, ё Худо, ё Худо дедим.

Тонглар отиб кетди сезиб-сездирмай,  
Пешонамдан ўпиг түймади Қуёш.  
Мангулик боғидан бир гул үздирмай,  
Ботиб бораверар қўксимга бир тош.

Агар тили бўлса, айтсин шу тупрок,  
Қандай қадам босдим, қанча юк бўлдим?  
То йўлда эрурман, умидим уйғоқ,  
Гарчи ҳоли афгор, бағри чок бўлдим.

Оlam нурга тўлди, негадир ҳануз  
Дилма-дил юрибман ёғду ахтариб.  
Зулматда қўлимга ким тутар фонус,  
Бегона боғлардан келган Бахт ғариб.

Дунёning эгнида кир ридомиди,  
Нечун қалб безовта, нечун рух беҳол?  
Ё Худо, ё Худо, ё Худо дедим,  
Ўзимга заррача келтирмай малол.

2011 йил 22 - 23 апрель

\*\*\*

Исён бұлиб исён әмасди бу ҳис,  
Иймон бұлиб иймон әмасди бу ҳис,  
Аммо сира тинчлик бермасди бу ҳис,  
Панохингдан башқа борар жой йүқдир.

Воҳим, маълумоти олий телбаман,  
Осон енгиламан, осон енгаман,  
Манов кўпикларга қандоқ сингаман,  
Панохингдан башқа борар жой йўқдир.

Тушуниб бўларми ҳаёт дарсини?  
Адо этарманму фарзу қарзини?  
Ким фаразсиз тинглар юрак арзини?  
Панохингдан башқа борар жой йўқдир.

Такрор-такрор айтдим, дил ёриб айтдим,  
Бош олиб кетдим-у, ёлвориб қайтдим,  
Кул эт, ғазабингни келтирса байтим,  
Панохингдан башқа борар жой йўқдир.

Бир ёруғ дуога айланди умрим,  
Нур бұлиб қошингга шайланди умрим,  
Сўзингга, Ўзингга бойланди умрим,  
Панохингдан башқа борар жой йўқдир.

*2010 йил 20 сентябрь*

\*\*\*

Күксим оғригани-оғриган, ё Раб,  
Юрак оҳ дегани-оҳ деган, ё Раб,  
Виждон дүқлагани-дүқлаган, ё Раб,  
Найлай?

Тийилмаган ҳислар, тийилган күзлар,  
Айтилмаган сұзлар, дейилган сұзлар,  
Бұғзим қафасида бир булбул бүзлар,  
Найлай?

Кимлар деб кимларга бошимни әгдим,  
Жафолар устига жафолар чекдим,  
О, үзим үзимнинг жонимга тегдим,  
Найлай?

Олислаб боради орзу елкани,  
Аламлар қиласы бир хас эканинг,  
Яшайман деганим – үлдим деганим...  
Найлай?!

*2011 йыл 16 март*

\*\*\*

Кечагина олам мисли жаннат эди,  
Эвоҳ, нафас олишим ҳам санъат эди.  
Туфроқ бўлган япроқлардан ҳикмат ўқиб,  
Бошим эгиб туришларим савлат эди.

Парча-парча йиллар аро тўлғонаман,  
Қачон қайта ўчмас бўлиб уйғонаман?  
Не ажабким, бошқасига ройиш бермас,  
Кўнглим гулин ўзимданам қизғонаман.

*2011 йил*

\*\*\*

Бошга тушганини күз күрди яна,  
Хаёт оз меҳрини соз күрди яна,  
Шүр эди пешонам, туз күрди яна –  
Бир үзим биламан, бир Үзи билар.

Кутдим, куттирганга билдирмай кутдим,  
Бардошни ёнимдан жилдирмай кутдим,  
Бошқасин хәёлга келтирмай кутдим –  
Бир үзим биламан, бир Үзи билар.

Аёвсиз ёқамдан тутади бир дард,  
Ичимдан ичимга үтади бир дард,  
Жонимда гуркираб ётади бир дард –  
Бир үзим биламан, бир Үзи билар.

Дил уйи лаҳзада ёришар-кетар,  
Үнга борган қувонч мендан ҳам үтар,  
Севаман – яшашга шу асос етар –  
Бир үзим биламан, бир Үзи билар.

2011 йыл 4 март

## СҮНГИ ВАЪДА

Ёруғ шеърлар ёзаман энди,  
Сен ҳам фақат яхши тушлар күр.  
Мен иккинчи үзимни енгдим,  
Хеч нарса йўқ юрагимдан зўр.

Ўз измига тушар ҳаммаси,  
Қор остида қолиб кетмас из.  
Жинқұчада зулмат шарпаси,  
Омон сақлар бизни Ишқимиз.

Ота, сизга үхшолмайман деб,  
Беркитмайман нурга хонамни.  
Бу аҳволда яшолмайман деб,  
Қўрқитмайман мушфик онамни.

Нима йўлдан урап бандани?  
Айтганингдан четга жилмайман.  
Тангрим, кечир мен арзандани,  
Ортиқ Сенга исён қилмайман.

Ўз юртига ҳайдайман ғамни,  
Йўқотишдан, тамом, қўрқмайман.  
Тополмаса агар кулбамни,  
Ёруғликни үзим йўқлайман.

2008 йил 2 авгууст

НОВЫЕ

# Намоллаф абадий, ёмиифлаф мануу



2010 жыл 21 наурыз

## ТОҒИСТОН

Күнглиминг күзіда порлади ҳайрат,  
Оллоқ, бугун Сени тошда ҳам күрдим!  
Қоялар борлықта берганды зийнат,  
Бұлуттага бошимни қўйиб улгурдим.

Кечир, тоғ қалбимни тоққа бурмабман,  
Чорласа, бормабман, зангор кенгликлар.  
Юксакка юксакдан боқиб күрмабман,  
Теграмда ялпайиб турмиш дүнгликлар.

Келдим. Бу софлиқдан хижолатдаман –  
Озор топмасмикан нигоҳим түшса?  
Лаззатга күмилиб тасбек айтарман,  
Гар обид гиёхлар сафига құшса.

Зилол түйғуларда күксимни чайдим,  
Вужудга шавқ берди руҳий таҳорат.  
Чүккілар бошида бир ҳикмат түйдим:  
Яратсанғ, ҳар нени тоғ каби ярат.

Фақат бир ҳадиқдан хаёлим тилка,  
Йўлиқмасам эди бепарволикка.  
Яшаб қолай десам, бу мағрур үлка  
Қабул қиласмикан фуқароликка?

*2009 йил 28 - 29 марта*

\*\*\*

Бир муддатта китобингни ёп,  
Мавхұмотдан нигоҳингни уз.  
Табиатнинг үзи зұр китоб,  
Бүгүн үннің қаҳрамони – Куз.

Қара, асар. топилмас бундай,  
Тебранади боғлар – рұхафзо.  
Неларнидир эсга олғандай,  
Энтикади зағарон дунё.

Тура тұрсын эски құзойнак,  
Боқын очиқ құз билан бундоқ.  
Деразанға барғ отган күзак  
Мунча маюс, мунчалар қувноқ,

Ұйлатмасин ортиқ тартиби,  
Шундогича олам мукаммал.  
Құя турғын ҳаво таркибин,  
Тұйиб-тұйиб нағас ол аввал.

Құшлар келиб, құшлар қайтмоқда  
Билганича чалиб сурнайлар.  
Кимлар үчүн видо айтмоқда  
Тирикликка ташна тұргайлар.

Ҳаёт шудир – қанча тежамай,  
Вақти-бевәқт тұқилған хазон.  
Бор бүйича, бүяб-бежамай  
Тасвирлайди мусаввир Мезон...

*2010 йил 31 октябрь*

\*\*\*

Шамоллар абадий, ёмғирлар мангу,  
Биздан сұнг ҳам оппоқ қорлар қолади.  
Шаксиз, яшайверар қувончу қайғы,  
Изҳорлар, икрорлар, зорлар қолади.

Минг йилларки, аслин үзгартмас тоғлар,  
Салобати үша, виқори үша.  
Таровати сұнмас диловар боғлар –  
Хануз тошқын ҳислар талпинган гүша.

Бекес тақрор-такрор чорладим, ҷоғи,  
Япроқлар тизилиб келди сүзимга.  
Қобирғаси синган хазонлар охи  
Оҳангдор ҳасратдек туюлмас кимга?

Шунчаки тақлидга үхшарми бу ҳол –  
Демангиз, бу фақат илхом онлари.  
Рұхимда яшади шундай безавол  
Ҳаёт деган шеърнинг қаҳрамонлари.

Шамоллар. Ёмғирлар. Дарёлар. Тоғлар...  
Азал нафасини келтиргай абад.  
Япроқлари оят үқиган боғлар...  
Табиат тилида илохий суҳбат.

2011 йыл 22 наурыз

## ҚОРШЕР

Осмон бодроқ түкди күн бүйи –  
Борлық қүйни тұла оппоқ дур.  
Табиатнинг бу күмуш түйи  
Бүғетларга улашар ҳұзур.

Күпни күрган оғочлар яна  
Елкасига олар бор юкни.  
Хали давом этар тантана –  
Асраш керак ҳар нозикликни.

Кекса мүри зерикмас чекиб,  
Лек ҳавони қилмас бемаза.  
Изғириннинг қалами тегиб  
Гулзор бўлиб кетди дераза.

«Оққуш бўлиб қанот ёзайлик!..»  
Хаёлларнинг йўқдир поёни.  
Ташқарига шошар гўзаллик  
Шарфга ўраб олиб ҳаёни.

Поклик чулғаб борар ҳар ерни,  
Оқлик инар далаю боққа.  
Аёзкотиб энг дилбар шеърни  
Доф юқтирумай кўчирап оққа...

2008 йил 22 декабрь

\*\*\*

## ЧАШМАХ

Ахир, шу чоққача қаёқда эдинг,  
Эй, күхна латофат, эй, инжа хилқат!  
Юрак-юрагимни түлдириб келдинг,  
Күзимга жо бўлди бир чимдим жаннат.

Тоғу тош, боғу роғ пешвоз йўлингга,  
Дарахтлар саф тортмиш – қомати расо.  
Узукдек ярашиб нозик қўлингга,  
Ям-яшил нур сочар зумрадкўз дунё.

Яшнатиб манзурсан, яшнаб масрурсан,  
Умримни тўлдириди муҳаббат куни.  
Қанча гўзал бўлсанг, шу қадар ҳурсан,  
Мен шундай озода руҳнинг мафтуни!

Борлиқни қуршамиш илоҳий бир ҳис,  
Эҳ, азал нафаси келган малика!  
Не тонгки, баҳтим бут, қувончим тўқис,  
Ҳаётим уйғундай мукаммалликка.

Тобора юксалар орзу кафтари,  
Заминдан самога мужда илиниб.  
Кўксимни қўёшга тутганим сари,  
Тушуна боряпман олам тилини.

Юрак учмоққа шай қушга ўхшайди,  
Куртаклар жилваси – энг гўзал ашъор.  
Сен ҳам бир мўъжиза кўрсатгин, дейди  
Дилга илҳом солган Буюк Ижодкор.

Түйғулар құлымга гулқалам тутиб,  
Юрак тошар дақық лаҳзалар аро.  
Безавол номига қасида битиб,  
«Барига шукур!» – деб чекаман имзо.

*2011 йыл 27 март – 2 апрель*

## НАШИДА

Үшанды ҳам нағбақор эди –  
Борлық зангор, дунё нағқирон.  
Күртакларга гапим бор эди,  
Юрак тилга кирганды бийрон.

Яна үрик шохлари сархуш,  
Гулоб тутар нимпүшти, оппоқ.  
Кеча эди әгнида күмуш,  
Бұғын зұмрад тұн киймиш чорбог.

Бутоқлардан мұралар умид,  
Камол вайда этар ғұнчалар.  
Нимагадир бұлғандай шоҳид,  
Шаббода бир соҳир күй чалар.

Сочларини сувга таратиб  
Үлтирибди мажнунтол шайдо.  
Ұз-ұзидан чирой яратиб  
Борган сари табиат зебо.

Күкда рангин ҳислар жамулжам,  
Жилвасидан қамашади күз.  
Пучмоқдаги сұнгги қорни ҳам  
Эритади ҳадемай Наврұз!

2010 йыл 14 март

\*\*\*

Баҳор, юр, онамни борайлик йўқлаб,  
Ишон, яхши қўриб қоласан уни.  
Хушбўйлар сочилган қишлоқни алқа,  
Кўзингни ачитмас аёз тутуни.

Йўллар қадамингга муштоқ, мунтазир,  
Жилғаларни бунча соғинтирмасанг!  
Кўклам, кўкламлигинг нимага арзир,  
Кўнгилга илиқлик олиб кирмасанг?

Уйғониш – саодат, тириклиқ – неъмат,  
Ариқлар бошини ялпизга ўра.  
Келаси йилгача дийдор ғанимат,  
Мұздарин момодан бир бор ҳол сўра.

Ёмғирлар ёғиб бер, чанқоғи қонсин,  
Томоғи қақраган далалар бўлса.  
Варраклар учириб кўзи қувонсин,  
Бола бўлолмаган болалар бўлса.

Ўтиб қўй навқирон нигоҳларидан,  
Кўнглини чўқтирма ўқтам оғамнинг.  
Барака тўкилсинг бармоқларидан,  
Қўлини сиқиб қўй дехқон тоғамнинг.

Қалдирғоч кечикса, уйқуси қочган  
Синглимни паришон айлама, Баҳор.  
Сен ҳам ҳар меҳмонга бағрини очган  
Онажон элизмни алдама, Баҳор!

2009 йил 14 марта

\*\*\*

Тұрт девор ораси ҳаёт эканми!  
Ериб чиққинг келар ногоҳ күч топиб,  
Ғұрбат әшикларин мангуга ёпиб,  
Димоғинг чоғ этар Тириклик таъми.

Сен билган дунёга үхшамас дунё,  
Ложувард самода тенгсиз тароват,  
Күклам бұлиб кезар боқий назокат,  
Бу күн бор үмрингга татииди гүё.

Шу қадар яқиндир висолнинг йўли,  
Ҳақиқат рангига уйғундир тушлар,  
Лолалар кўзингни ёндира бошлар  
Баҳорнинг оташин нигоҳи бўлиб.

Баҳор – бу юракка қайтиш дегани.

*2011 йил 8 марта*

\*\*\*

Үйғониш нақадар гүзәлдир,  
Тириклик лаззати беназир.  
Созингнинг умрини үзайтири,  
Йўлингга ёғдулар мунтазир.

Қучоғин тўлдирмиш боғларга,  
Бағритош эмасдир, бағритош.  
Бир қара мўйсафид тоғларга,  
То ҳануз боладай кўнгли ёш.

Сўқмоқлар абадий саволдир,  
Қоялар – буюклик ошиғи.  
Саболар ҳаётбахш наводир,  
Жилғалар – муҳаббат қўшиғи.

Булутлар бўйнида аргимчоқ,  
Турналар алқаган айём бу.  
Қўлингдан келади яшамоқ,  
Севгидай бебаҳо инъом бу.

Хаёлни қўй, оғир хаёлни,  
Ярашмас, бемаврид ўртансанг.  
О, юрак, билмайсан заволни,  
Баҳорга ўхшашни ўргансанг.

2010 ийл 17 - 23 марта

## КҮКТҮЙ

Қалдирғоч үланлар айтиб қош қоқди,  
Күк түгүн күтариб келмоқда совчи.  
Қаҳратон бағрига марварид тақди  
Бинафша қўзидан тўкилган томчи.

Куртаклар кўп кутмай гуллаб қўйдилар,  
Тошларнинг кўнглини топди майсалар.  
Ҳадемай мушк сепар йўлга жийдалар,  
Заминга қадалур заррин найзалар.

Тоғларнинг кўксидан сув оқар сизиб,  
Адирлар эгнида алвон нимчаси.  
Зангори либосда юрибди кезиб  
Үйғонган ўлканинг қироличаси.

Қаердан шунча кўрк, шунча малоҳат!  
Тонг – шабнам қўйилган кумуш пиёла.  
Сурмали кўзларда шаффоф балофат,  
Не учун бу қадар қизарар лола?!

Жилғалар бўйига ёйилганда сеп,  
Энтиккан хасни-да сур экансан.  
Дугонаси Бахтни олиб келар деб,  
Баҳорга ишониб қўяр экансан.

2009 йил, март

\*\*\*

Улар күздан йирок, күнгилга яқин,  
Мұжиза яшринган япроқларига.  
Хавасинг ва жиндай ҳасадинг келар  
Йүқолиб кетмаган титроқларига.

Чирой очиб аста бошин күтаратар,  
Сұнг гүзал бўлишга журъат қилгайдир.  
Агар еб қўймаса қўю қўзилар,  
Даштни бу чечаклар жаннат қилгайдир.

2009 йил 26 - 27 май

## НОЯБРЬ

Ёмғир қуя бошлади бирдан,  
Савалайди биллур қамчилар.  
Панароққа қочгани билан,  
Топиб олар йұлни томчилар.

Парво қилмас симёғоч хұмпар,  
Бошдан-оёқ ҳұл бұлған жиққа.  
Рақсга тушар олтин япроқлар  
Шитир-шитир – ёмғиркүшиққа.

Мұлтирайди бекатлар юпун,  
Маңыс тортар ёлғиз хиёбон.  
Ниманидир эслатиш учун  
Гүмбурлайди қоп-қора осмон.

Фидираклар шошар қирғокқа,  
Дарё бўлиб оқмоқда йўллар.  
Бу сафар ҳам қизил чироққа  
Тоқат қилмас автомобиллар...

Шу баҳона ютмади заҳар –  
Ёмғир ювиб кетди барини.  
Ғуборлардан зериккан шаҳар  
Чайиб олди кўйлакларини.

*2008 ийл 6 - 9 ноябрь*

## МОХИЯТ

Баҳор, баҳор дейсиз, күклем ҳам үтар,  
Ҳар он ваъда қилиб Баҳт висолини.  
Куни кеча эди дилбар, муаттар,  
Түрланган гулларнинг кўринг ҳолини.

Ана, олтин кўз ёш тўкар дараҳтлар,  
Зарҳал йўлакларда хаёл фаромуш.  
Ортда қолиб кетди паймону аҳдлар,  
Афсус чеккан каби бекатлар хомуш.

Неларни англатар ёмғир шитири?  
Бекарор томчидай титрайди жонлар.  
Сўнгги лаҳзаларин яшаётир-у,  
Абадий сабоққа дўнар хазонлар.

Бу ҳолни бошидан үтказган билар,  
Тушунгай ӯзи-ла келган юзма-юз.  
Ёмғиру шамоли, гоҳ қори билан  
Ҳаёт эртагига мазмун берар Куз.

*2011 йил 21 ноябрь*

Уч күндан бери ёмғир –  
Гоҳ майин, гоҳи шаррос.  
Осмоннинг дарди оғир,  
Энтикар Замин – ҳассос.

Күринмай қолди офтоб,  
(Майли, бир мизғиб олсин!)

Юзин яширган моҳтоб,  
У ҳам тин ола қолсин.

Хуш ёқар намчил ҳаво,  
Күлобланган томчилар.  
Энг шаффоғ сўзлар гўё  
Бошинг узра сочилар.

Турфаланиб мароми,  
Ёғаверди кундуз, кеч.  
Жўш ургандек илҳоми,  
Тингиси келмади ҳеч...

Ёмғир – қувонч, оҳимми?  
Ором берар, ўйлатар;  
Бир аллалар руҳимни,  
Бир қонимни қайнатар...

2011 йил 24 ноябрь

## ШАМОЛ

Яна найранг бошлади, чоғи,  
Гулбаргларни силаб, сийпалаб.  
Құлларида темир тароғи –  
Эрмакталаб, овунчоқталаб.

Күнглинг олиб кетмасин, Ғұнчам,  
Үнга имкон яратиб қўйма.  
Ўз бўйингга сархуш этса ҳам,  
Сочларингни таратиб қўйма.

*2010 йил 15 сентябрь*

\*\*\*

Оқса буркаётир заминни само,  
Биллурланиб борар зағарон олам.  
Паришон оқсочға ұшайды шамол,  
Күмуш тангаларни сочар хотиржам.

Рахмат парчалари ёғиб дамодам,  
Қаён борсам, аста ортимдан чопди.  
Гүё фаришталар тушиб самодан,  
Бошимни силади, юзимдан үпди.

Йүк, ҳозир бошқаси келмас құлымдан,  
Түйиб тикиламан етиб васлига.  
Беҳисоб мұъжиза ұнгу сұлимда,  
Беқарор бу қалб ҳам қайтган аслига.

Йифишириб қүйиб ҳамма нарсани,  
Үйладим, үйларим ёруғлик бүлди.  
Лаҳзага бехато улаб лаҳзани,  
Сұраганим оқлик – улуғлик бүлди.

Воажаб, ҳаммаси кийинмиш бирдай,  
Ёш-қары үйларнинг бошида оқ бүрк.  
Мени ҳайратларга түйдирмоқчидай,  
Күзимга мұъжиза тұқаверди күк...

*2011 иш 28 - 30 наурыз*

## АӘЗ

Аччиқ, совук, жимирлар этинг,  
(Күпни күпгә құшмас забунлик.)  
Қотиб қолар бир зүм саботинг,  
Жондан ўтиб кетгач юпүнлик.

Олислардан келгандинг оқиб,  
Яшамоқчи әдинг одамдай.  
Жовдираисан офтобга боқиб  
Бевақт гулга кирган бодомдай.

Омонатни омон еткарсанг,  
Икки дүнё ёруғдир юзинг.  
Тұқсонини шуитиб ўткарсанг,  
Қандай бұлар аямажузи?

Ёдга тушар шамдай ҳәётинг,  
Лақыллашни бас қылгинг келар.  
Ё сандалда құр бұлгинг, ёки  
Тарновларда осилгинг келар...

2011 йыл 27 февраль

## ҚОРХАТ

Сұбхоналлоқ, оппоқ нур ёғар күқдан,  
Лаҳзада үзгарар мезон күйлари.  
Оқ яктак кийгач ҳам оғочлар үктам,  
Борликқа ярашиб тұрар бүйлари.

Аста гулга дұнар шаффоғ томчилар,  
Севгимиздай нафис, меҳримиздай пок.  
Гүё Орзу сари йүллар очилар,  
Олдга бошлар ҳассос илохий идрок.

Хикматлар үқиймиз оппоқ дунёдан,  
Бахтли саҳфаларни очиб бирма-бир.  
Сүзлар ярми күмүш, ярми тиллодан,  
Оlam тұла маъно, олам тұла сир.

Бу қор бириңчи ё охиргисимас,  
Биздан олдин, биздан кейин ҳам бордир.  
Хотималар абас, хижронлар абас,  
Ҳали ҳаётимиз бириңчи қордир.

Шукrona илмини ўргансин юрак,  
Ёмғирига шукур, қорига шукур.  
Менинг қорхатим ҳам шу эзгу тилак:  
Борига барака, барига шукур!

*2011 йыл 14 ноябрь*

Хртвр

Архитектурные комплексы в Китае  
Современные тенденции

Марк Григорьевич  
Кононенко



\*\*\*

Сүкі филни қулатар, күз деган ёмон экан,  
Үтөлмайсан баҳридан, юз деган ёмон экан.  
Қандоқ қилиб тилимга энди чилвир боғлайнин,  
Сүз деган ёмон экан, сүз деган ёмон экан...

*2008 йыл, сентябрь*



## АХВОЛ

Күйиб битдим – нима ўзгарди?  
Қачонгача ўзимни ейман?  
Беҳудага юзим қизарди  
Ё бемаврид келдимми, дейман.

Ахмоқ қилди гар гапга кирсам,  
Ожизлигим инжиқлик бўлди.  
Маҳмадона чиқдим гапирсам,  
Жим турганим писмиқлик бўлди.

Гул чехралар самимий сохта,  
Тўхтаб қолган соатлар бебурд.  
Қололмайман узоқ бу шоҳда,  
Кетай десам, у томон ҳам мўрт.

*2008 йил, сентябрь*

## МОСЛАШУВ

ЛЮСКА

Фолиблик қонуни шундай мустаҳкам:  
Парвоз олиб чиқар қўкка – Эркюргта.  
Ҳеч ким ҳавас қилмас, бургут бўлса ҳам,  
Товуқлар ичидаги юрган бургутга.

2008 йил 22 ноябрь

Жиззик тарбияни тушуниш  
Мослашув инфомиранништади  
менуб ташнишмаси таъсисади инж  
стаси. Бинимитэк ўрбиграви жул  
доғилий салоттада чотироқ «Хозийт  
хокими» ўз ясбу номидаништади  
тўлиғи эди. Номири ўз ясбу таъсис

жиззик тарбияни тушуниш

## ОДАМЛАР НИМА ДЕРКИН?

Құлдан кетмиш ихтиёр,  
Бу дүнёда ким эркин?  
Қарғыш урган бир гап бор:  
«Одамлар нима деркин?»

Онам үшандан құрқар,  
Отам үхлолмай чиқар,  
Менинг күнглимин сиқар:  
«Одамлар нима деркин?»

Гап-сұзларга йүқ мажол,  
Юролмайман бемалол,  
Йүлім тұсар бир савол:  
«Одамлар нима деркин?»

Андухлардан дил тилим,  
Боққа кетдик, юр, Гулім.  
Жовдираиди севгилим:  
«Одамлар нима деркин?»

Құшним түй деб түймайды,  
Янги кий деб құймайды,  
Ұзгармасам бұлмайды,  
Одамлар нима деркин?

Камбағални бой қилган,  
Құлларини лой қилган,  
Холимизни вой қилган –  
«Одамлар нима деркин?»

*2008 йил, октябрь*

## МАНФААТ

Дунё манфаатдан иборат, балки,  
Ким қулоқ тутарди қуруқ үгитга?  
Оёғингни ялаб-юлқаса ҳамки,  
Сүяк ташламасанг, ёқмайсан итга.

Йұлимга беғараз борми күз тиккан,  
Қаламни дүст десам, қонимга ташна.  
Билмам, сизга қандай манфаат экан,  
Дардимга харидор, ғамимга ошно?

2009 иш, апрель

## БЕГОНАЛАР

Ёнимдаги узоқ одамлар,  
Юрагимга тузоқ одамлар.

Майли эди, бұлса бегона,  
Улар менга қондош, ҳамхона.

Айбим шудир, жиндай феълим чарс,  
Бир құлдан ҳам чиқар экан қарс.

Ачингандай бұларлар тағин,  
Осмон менга улардан яқин.

Күкайимдан күчириб музлар,  
Тушунади мени юлдузлар.

Дардлашаман тун бүйи дилдан  
Олис-олис яқынлар билан.

2009 йыл 7 январь

\*\*\*

Ёлғон, ёлғон, ёлғон ҳаммаси,  
Фақат иймон, фақат иймон ҳақ.  
Хар манзилда фано ҳамласи,  
Аро йұлда жонинг муаллақ,

Күллар қисқа, орзулар майиб,  
Қонга түймас армон ханжари.  
Нечун олам борар торайиб  
Үсган сари, үлғайған сари?

Парво қилма, фарёд айлама,  
Күнларингни нурға қондиргин.  
Чүкүр кетма, ортиқ үйлама,  
Фақат ёнгин, фақат ёндиригин.

2009 йыл 31 августр

\*\*\*

Энди қўлга олганда созим,  
Оғзим кўйди, синди овозим.  
Аламига куйлашим лозим,  
Такрор-такрор имкон сўрайман.

Ўз-ўзимга етарми кучим,  
Ҳасрат ғамга бўлолмас ечим,  
Гарчи мисли қиёмат ичим,  
Хотиржам бир иймон сўрайман.

Кимнинг кайфи учун бу ўйин –  
Мағлублари олдиндан тайин,  
Голибларга ундан-да қийин...  
Сотилмаган майдон сўрайман.

*2009 йил 2 августр*

\*\*\*

Тұғри, зувалада бори мұқаррар,  
Алқисса, самар йүк ёқа йиртишдан.  
Фақат ор қиламан, этаман ҳазар  
Уларга тенглашиб афсус тортишдан.

Үкситма, рухимни чўқтирма, Эгам,  
Йўлимни тилагим каби оқ қилгин.  
Юксак-юксакларга арзимасам ҳам,  
Шуларнинг олдида баландроқ қилгин.

*2009 йил 26 августр*

## ҮРТАР

Ғұссалардан олтин қафас қурғандайман,  
Лахча-лахча чүф устида юргандайман,  
Бу дунёда ижарада турғандайман,  
Толеъ деган қылмас писанд, Машраб бобо.

Енгилгина құшиқлари ялло-ялло,  
Оёқларнинг остиндаги лойми, тилло?  
Каминанинг тахаллуси чаламулло,  
Тутумим ҳам шунга монанд, Машраб бобо.

Нега келдим манов ғурбат маконига?  
Тутиб бердим үзимні ғам пайконига,  
Құзим күйди кириб севги дүконига,  
Жанданғиздан олмадим панд, Машраб бобо.

Томиримдан күйлар оқар – сувораман,  
Құзёшлари завқ улашган фаввораман,  
Үз-үзимни авраш билан овораман,  
Күнглим синик, дилим дардман, Машраб бобо.

Йүл юраман, мүл юраман, йүлим етмас,  
Хирожига на жоним, на молим етмас,  
Йигирма беш йилдан бери қўлим етмас,  
Этагингиз бунча баланд, Машраб бобо?!

2008 йил, октябрь

## ХҮКМДАН СҮНГ

Нима бұлса бұлди – үзимдан күргум,  
Күнглимининг этагин ушладим-кетдим.  
Токайгача санғиб ортидан юргум –  
Майда орзуларни ташладим-кетдим.

Ишонарлы әртак айтмади тұнлар,  
Аждарларнинг куни битмаган бұлса,  
Қайдан үйқу келсин, ҳамон ботирлар  
Мурод-мақсадига етмаган бұлса?

Ичимга ёмғирлар ёққани-ёққан,  
Ұйнамасман, Ёлғон ноғора чалса.  
Кошки, мен чеккага чиққаним билан,  
Дунёning айвони кенгайиб қолса...

*2008 жыл, декабрь*

\*\*\*

## МОНДАД

Ҳали үттизни ҳам қораламадим,  
Тұймадим түйғулар тароватига.  
Бир яираб гулбоғлар ораламадим,  
Қонмадим ғұнчалар латофатига.

Гарчи оғир-вазмин шеър битдим талай,  
Гарчи тафаккурға ён бердим күпроқ,  
Ҳәётдан фалсафа сүқдим-у тинмай,  
Аммо... юрагимда минг битта жумбοқ,

Үйладим, жавоби топилмас ҳарчанд,  
Оғизга келганин сүйламади тил.  
Гұдак хаёлларни қилмайин писанд,  
Жиддий үйлар сари бүйлайверди дил.

Мунғайиб неларни үйлайман бот-бот,  
Безовта рухимнинг борми малҳами?  
Енгиллашармиди мен билган ҳаёт?  
Тұлиб қолармиди дунёning ками?

Кечанинг үйлари, бүгүннинг ғами,  
Эртанги хаёллар – бари муштарак.  
Ҳали олисдадир умримнинг шоми,  
Барибир, яшашға түймасам керак!

Барибир, қўймадим үзни қийнашни,  
Шұкурки, сўзларим чиқмас ҳалқумдан.  
Оҳ, мен ҳам биламан үйин үйнашни,  
Фақат... уяламан дардкаш ҳалқимдан...

2011 йыл 28 - 29 ноябрь

## ДАШНОМ

Эй, оғзига күчи етмаган,  
Тұғри гапга тиши үтмаган!  
Ноқис дунё яралибдики,  
Тоштерарнинг иши битмаган.

Дахмазаю ғавғойингни қўй,  
Пуч ёнғоқдай даъвойингни қўй.  
Нолиш нарвон бўлолмас қўкка –  
Енгил-елли оҳ-войингни қўй.

Бахил боғи янтоқ бўлади,  
Илк мушт туккан қўрқоқ бўлади.  
Оёғингни ботирмай турсанг,  
Шу дарёлар покроқ бўлади...

*2009 йил, апрель*

\*\*\*

Кетинг, эй, даф бүлинг, золим хаёллар,  
Күнглимга тошлардай оғир ботдингиз.  
Малоллар келдингиз жонга, малоллар,  
Билмам, қачон бунда илдиз отдингиз.

Умримнинг эгови бүлдингиз күп бор,  
Кетинг! Ортингиздан раҳматлар йўллай.  
Қанча шаҳло кўзлар йўлимда хумор,  
Мен ҳам бир уларга интизор бўлай.

Андақ ором олсин саргашта руҳим,  
Ҳали манзил узок, ҳали кураш кўп.  
Ҳозирча ҳасратга ўхшайди оҳим,  
Ҳозирча юракда алаҳсираш кўп...

Кейин дўқ ураман, қўймайди чўчиб,  
Уларга бас келиш – амри маҳоллар.  
Оёғимдан тортиб, бўйнимдан қучиб,  
Авраб олаверар маккор хаёллар.

*2011 йил 30 ноябрь*

\*\*\*

Балосиз – гүёки ғамимни ейсиз,  
Заҳардан үткирроқ чой бериб қўйиб.  
Тортинмай бемалол ўтириңг дейсиз,  
Игнанинг учидан жой бериб қўйиб.

*2010 йил 14 сентябрь*

Мен сизни кечидек менинг таъсири  
Сизни кечидек менинг таъсири  
Сизни кечидек менинг таъсири  
Сизни кечидек менинг таъсири

Эндиң таъсири менниң энди менни  
Дарнотсан курас – шундук энди менни  
Дарнотсан курас – шундук энди менни  
Дарнотсан курас – шундук энди менни

Алмас 15. йыл 2000

\*\*\*

Аё вужуд, аё пешонам шүри,  
Бунча ҳарис, мунча нағмакор бўлдинг.  
Наҳот, сенга етмас қалбимнинг қўри?  
Дунёлар остида нечун хор бўлдинг?

Ҳар ҳолда, биламан, жонга ишонч йўқ,  
Ўлим сари чорлар ҳар нафас, ҳар сас.  
Булбуллар сайраган тонгга инонч йўқ,  
Оlam – ҳикматларга қурилган қафас.

Ўйноқлаб яллолар қилгинг келади,  
Яйрамоқдан бўлак ҳеч ташвишинг йўқ,  
Ҳаётни бир ўйин билгинг келади,  
Хаста кўнглим билан ҳануз ишинг йўқ...

Аё вужуд, аё манглайим шўри,  
Неки ўтди сендан – кечирдим, майли.  
Узилиб кетмасин руҳимнинг тори,  
Кел энди, яшайлик...

*2011 йил 11 декабрь*

## ЧИГАЛ САВОЛЛАР

Дүлгә тутилдимми, ёмғирдан қочиб,  
Күлфат бу дунёга мангы үстүнми?  
Адашдимми ишкә күнглимин очиб,  
Шеъримнинг иймони бутунми?

Ажратадимми кеча, кундузни,  
Оқ-қора кунларга бердим ва ё ранг?  
Муштарак билдимми япроқ, илдизни,  
Мазмунга үйғуни бу оҳанг?

Күргани бордимми Бахтни бирровга,  
Соғинч саҳросида бежиз кездимми?  
Нечун олмай қўиди жонни қистовга,  
Ҳаётдан қарзимни уздимми?

*2011 йил 12 декабрь*

\*\*\*

ХОДИ

Менга зарурмиди шунақа яшаш?!  
Қоғозга тұқилиб бормоқда умрим.  
Орзулар олдинда, аммо күнгил ғаш,  
Күзларим, сұзларим ёнаётир жим.

Чопаман ненидир излаган бұлиб,  
Топмоқчи бұламан недандир таскин.  
Шунчалар узунми йүлсизлик йүли,  
Шунчалар ҳақирми одамзод – мискин?

Эйвоҳ, тубанликнинг йўриғи кўпdir,  
Бир онда минг имкон майдалашгани.  
Аялган кўзларнинг жазоси чўпdir,  
Мудом таъқиб этар завол наштари...

Менга зарур эди шунақа яшаш,  
Илло, зое кетмас ёниқ сұзларим.  
Дардларим давримнинг дардига туташ,  
Умримни шамолга сотмас кўзларим.

*2011 иил 14 - 16 декабрь*

## ИЗОХ

Ұзимни яширдим – ұзимдан қочдим,  
Хечликнинг бағрида яйрай деб бир оз.  
Аммо нелар қилай, нафас олсам ҳам –  
Чиқиб келаверди «Мен» деган овоз.

2009 йил 29 январь

Сәуле Ахметқызы Абдрашитова  
«Алтын шының» мектебінин учаскесі  
Алматы облысынан 2009 жылдың 29-дегі оразай

2011 жылдың 2-нче ақпан айында  
жарылған «Алтын шының» мектебінин учаскесі  
жүлдөт шынарда тәжірибелді, нағылдауды  
аңасолейді салатын сабакпен, қызынады

Алматы облысы, 67 қал. 1102

\*\*\*

Билмайсан ва буни истамайсан ҳам,  
Япроқлар тушунди, тошлар англади.  
Ҳар томон тарқалмиш – Ер тұла одам,  
Нега Тақдир айнан мени танлади?

Бир кунда неча бор туғилиш, үлиш...  
Рұх ғолиб келарми ёки Вұжуд зұр?  
Жонимни тимдалар бўлиниш, сўниш...  
Тириклик қадрини мендан сўраб кўр.

Ҳаволар алмашсин, оч эшигингни,  
Мен бўлсам бир имкон ахтариб келдим.  
Билсайдинг нақадар баҳтилигингни,  
Боримни шу Баҳтга алишар эдим...

2008 йил 2 ноябрь

\*\*\*

Күзим толди – кутмоқ дарди оғир экан,  
Йүлга қараб үтмоқ дарди оғир экан.  
Барига-ку чидаш мумкин, лек ҳар нафас  
Үз-үзингни титмоқ дарди оғир экан.

2010 йыл 2 октябрь

\*\*\*

Тамом!.. Бундай юрак ортиқ, керакмас,  
Осмонга отаман құксимдан юлиб.  
Хурмача қилиғин қилмас экан бас,  
Қанча лаззатланди устимдан кулиб.

Ҳар он томирларим үйнайди ёмон,  
Бир бор қулоқ солмас холис сұзимга.  
Бошимни құтарсам, санчик, беомон,  
Тангадай құринар олам құзимга.

Хөч кимни қошиға йұлатмайды-ку,  
Такаббур соқчилар құйған қасрига.  
Қандай адолатсиз, золим ҳоким бу,  
Косам оқармайди унинг қасрига.

Қадами құкка ҳам күп оғир ботди,  
Ойдай юлдузларнинг ёрди бошини.  
Осмон тутаб, қайта үзимга отди  
Құксимнинг увада қора тошини...

2008 ыйы, май

\*\*\*

Кундузнинг ризки бор түннинг ортида,  
Кимларнинг баҳти бут кимнинг дардида,  
Тентираб юрибман сұзлар юртида –  
Ҳақиқат аралаш, ёлғон аралаш.

Кунда нағс отига тиларман тұзим,  
Гоҳ құнглім алдайды, гоҳида құзим,  
Қоврилиб ётибман үзимда үзим –  
Мұхаббат аралаш, исен аралаш.

Узилиб-узилмас ишонч иплари,  
Аёвсиз отилар бало түплари,  
Рұхимда әврилиш талотүплари –  
Әထиқод аралаш, гүмон аралаш.

Бұтадай бұзлайман, тойдай кишнайман,  
На асал ялайман, на тош тишлийман,  
Бирда сарғаяман, бирда яшнайман –  
Умримда Ҳамалу Мезон аралаш.

*2009 йыл 20 сентябрь*

## ДҮСТ

Мени телбаларча құмсар Ѕілғизлик,  
Күзлари йүлімда илхак, нигорон.  
Уни ҳам ҳар күйга солар ёрсизлик,  
Шуниси ёмон-да, шуниси ёмон.

Нечундир бу ҳолга осон күникдим,  
Күнглім чопар унинг күнглин олгани.  
Ёнингга бормасам, кечир, севиклім,  
Күркади Ѕілғизлик ёлғиз қолгани.

2008 иш 25 декабря

\*\*\*

У айтади: нодирсан,  
Бекіёссан, ботирсан,  
Хар нарсага қодирсан.

Бу айтади: кимсан сен?  
Иллат тұла хұмсан сен.  
Құлда турмас құмсан сен.

У шивирлар: тур, бұлғин,  
Балиқларга түр бұлғин,  
Зұрлар ичра зүр бұлғин.

Бу пичирлар: үч энди,  
Хечдан күра кеч энди,  
Үз уйингга күч энди.

У айтади: үқ бұлсанг,  
Бу айтади: йүқ бұлсанг...

*2010 шыл 16 январь*

\*\*\*

Бир менми үзини йўлга қантариб  
Икки ўт ичида қоврилаётган?  
Бетиним имкондан имкон ахтариб  
Бор-йўғи ҳавога соврилаётган?

Оҳларим оҳорли куй каби қийма,  
Умримдан тараалган оҳанглар чинми?  
Бир менми юраги қиймаю қийма,  
Яшагандай бўлиб юрган бир менми?..

*2010 йил, январь*

\*\*\*

Мен үлимдан құрқаман ёмон,  
Гар Ҳақ сари қадамдир мамот.  
Тиним билмас гарчи тирик жон,  
Гарчи жуда шафқатсиз ҳаёт,  
Мен үлимдан құрқаман ёмон.

Топғанларим йүқотиқ бүлди,  
Йүқотганим топилар ё йүқ.  
Күз үнгимда қанча кун үлди,  
Тоқатимнинг тоқатлари тоқ.  
Топғанларим йүқотиқ бүлди.

Үт кетганда бор жаҳонимга,  
Ёмғирмиди құзимнинг хасми?  
Бир жонимга, битта жонимга  
Шунча қайғу оғир эмасми?  
Үт кетганда бор жаҳонимга.

Шайтон иси келар шомлардан,  
Қани, құлға тутилиб үлса.  
Кошки, или узун ғамлардан  
Үлиб туриб қутулиб бүлса.  
Шайтон иси келар шомлардан...

2010 йыл 20 - 21 июль

\*\*\*

Чиғириқдан ұтар ҳар қилмиш,  
Гоҳи ёлғон, гоҳи ростим бор.  
Бисотимда Күнгил аталмиш  
Душманданам баттар дүстим бор.

Саҳродаги япроқ мисоли  
Қаён эсса әрмак шамолга.  
Хаётимга сиғмас хаёли,  
Борлиғимни күмди саволга.

Ваҳоланки, тушунмай хулқин,  
Ұлтирибман раъйига қараб.  
Бир яшнайди, бир куни сұлғин –  
Ўзгаргани-ўзгарган, ё Раб!

Рұпарамда турад әшилиб,  
Күзёш қилар, гоҳ мушт үқталар.  
Айнияпман үнга құшилиб,  
Иzlаримда бенур нұқталар.

Куни борми қийнамайдиган?  
Мени абгор этади шу юқ.  
Ўз дүстини үйламайдиган  
Күнгилшоҳнинг нимаси буюқ?

2008 ийл 26 октябрь

\*\*\*

Ёлғиз гуллаганнинг ахволи қурсин,  
Бирор завқ туймаса, дил боғламаса.  
Борлықни тутмаса мухаббат иси,  
Шұх еллар хизматга бел боғламаса...

Менга бу күкламнинг йүқдир кераги,  
Ұзимдан бошқага келтирмаса баҳт.  
Нечун гупирмайди тоғлар юраги,  
Муғанний майсалар нимага караҳт?

Ҳали ҳам боғингиз узра баҳорми,  
Биз томон эътибор ёллаётгандар?  
Ёнингизга қаранг, бирор зот борми,  
Ростдан баҳтлимисиз, гуллаётгандар?!

*2010 йыл 6 октябрь*

\*\*\*

Одамга зор бўлиб ўтган кунларим,  
Кутмаган кунларим, кутган кунларим,  
Умримга ярашиб ётган кунларим,  
Мен сиздан розиман, сиз рози бўлинг.

Билмадим ва ёки билмаган бўлдим,  
Дунёни назарга илмаган бўлдим,  
Тиниб бўлдим, гарчи тинмаган бўлдим,  
Мен сиздан розиман, сиз рози бўлинг.

Яхшию ёмонга аталган сўзлар,  
Кўнглимни бир қадар кўтарган сўзлар,  
Бўғзимга пичоқдай қадалган сўзлар,  
Мен сиздан розиман, сиз рози бўлинг.

Худами, беҳуда узоқ ўйладим,  
Эртакка ўхшамас эртак сўйладим,  
Ҳар қанча совурдим – Вақтга тўймадим,  
Мен сиздан розиман, сиз рози бўлинг.

Эртамни эслатманг, олманг хавотир,  
Ҳар нега қодирдир юрак – баҳодир,  
Балки, бу битиклар сўнгги хатодир...  
Мен сиздан розиман, сиз рози бўлинг.

*2010 йил 8 октябрь*

## ЯНА ҮЗИМГА

Не учун үзингни бунча қийнайсан,  
Нима бұлар бир бор құйсанг әгилиб?  
Не сабаб узундан-узун үйлайсан,  
Йүлингда жумбоқлар ётар тугилиб.

Нимага узатсанг бормайди қўлинг –  
Тутқазган ошини ошайвермайсан?  
Нечун калит сўзга айланмас тилинг,  
Нега бошқалардай яшайвермайсан?


2009 йил 5 июль

БАЛДЫ

—

ЖОМДЫҢ АСЫРЫЛЫМАС БАЛЫ АРЫ

# Хали сүз айтағман



Тұрмыстағы жаңылар,  
Реке көздең көздері.  
Шабаның шабаны,  
Дайындаған дауыстар.

2008 жыл - 27 наурыз - Гүлдем

\*\*\*

Сұз излаб саргардон, сұз ичра зорман...  
Гапдон давралардан қочиб кетди тил.  
Диққинафас хона, сендан безорман,  
Шеър ясаб үтишга ҳаё қилас Дил.

Ёзғанларим сари ортиб борар ғам,  
Дардларимни айтсам, нолишга йүйма.  
Нопок қадам билан қошингга борсам,  
Хайда, Адабиёт, ичкари қўйма!

2008 йил, август

## МАЙДОН

1

Ойдинда от үйнәтдим,  
Ёңсин-ёңсин юлдузлар.  
Дилбулоқни қайнатдим,  
Үнгурларда тош музлар.

Доғлар босиб юзини  
Ой ухлар қай қүйинда?  
Нур йүқотди үзини  
Халол-ҳаром үйинда.

Ёлғон ётар болалаб,  
Ор аламда қоврилар.  
Ялтир-юлтур шон талаб,  
Кимга қолди давралар?

2

Юрак чиқди қинидан,  
Дунёларга сиғмайман.  
Ұлганимнинг кунидан  
Құшиқ айтиб йиглайман.

Кұксингни нур доғласа,  
Ёруғ ният бұлади.  
Йигит ошкор йигласа,  
Элга уят бұлади.

Үрнингизни қизғонинг,  
Асли тоза мардларим.  
Үйғонинг-а, үйғонинг,  
Ай полвонча дардларим!

2008 ишін 30 март - 1 апрель

\*\*\*

Бир күзимда оташ, бир күзимда сув,  
Икки дарё аро омонат төгман.  
Лаб тегмаган сұздар – сулуудан-сулув,  
Аларнинг күйидә даллию доғман.

Пойимда жон сұраб әзилди тупрок,  
Хақиқат құшиғи экан сұкутлар.  
Сизни тушунаман үзимдан күпрок,  
Бошимда ёғолмай турған бұлутлар.

Билмасам бұлмасди билмаслигимни,  
Қандай оғир экан билмаслик илми.  
Ё бор этар, ёки йүқотар мени  
Сүзларнинг лутфию сүзларнинг зулми.

2008 йыл, ноябрь

\*\*\*

Биروف билиб қолса, кулар үстимдан,  
Ортиқ сарсон қилиб юрмасдан үзни,  
Күксимда яшовчи ғаний дүстимдан  
Сотиб олгим келар зарур Сүзни.

2011 иші 3 апрель

\*\*\*

Тұлиб кетганида тақбирга осмон,  
хамду сано айтиб турғанда тошлар,  
дилбузар доғларга көлтирса қирон  
мангулик құшиғин күйлаган қүшлар;

Зулфиқор майсалар, кескир шаббалар  
зулматнинг бағрини этганда пора,  
изингдан әргашса ёруғ шарпалар,  
чечаклар қүёшдай қылса наzzора;

Паҳлавон ниҳоллар бүй чүзиб күкка,  
матонат илмидан берганда сабок,  
муккасидан кетмай тирикчиликка,  
юмшоқроқ бўлишга унласа тупроқ...

Баридан орттириб нима ҳам дейин,  
ҳикматлар уйидир ҳаёт дегани;  
шунча ҳайрат, шунча сабоқдан кейин,  
уялиб кетасан шеър ўқигани...

*2010 йил, ноябрь*

\*\*\*

Мен қидирған сұзлар луғаттарда йўқ,  
Мен талпинган ҳаёт қайда – билмадим.  
Үйлаган қиёфам сураттарда йўқ,  
Орзулар орзусин писанд қилмадим.

Лаҳзалик умримга беролмай маъно,  
Пардалар нарига суримаётір.  
Ўзим бир сиқимча тупроқман, аммо  
Мен излаган дунё кўринмаётір...

2010 йыл, март

\*\*\*

Ортидан күп құвдим танноз сүзларнинг,  
Ғамзалари олди ихтиёrimни.  
Камсүкүм каломлар – күзи тұла мунг,  
Нечун тортолмади эътиборимни?

Тинмай буюкликка ичади қасам,  
Бүқаламун дүнё – кимнинг тақрори?  
Қанча ёқай десам, қанча товлансан,  
Тұқилиб борадир юрак охори.

Ишқилиб, күчамдан ғафлат үтмасин,  
Хаста овозимнинг чиқмоқда жони.  
Кута-кута күзим очиқ кетмасин,  
Түғила қол әнди, сүзлар сүлтони!

2008 йыл, июль

\*\*\*

Бу сұзлар үзимга үхшайды менинг:  
Гоҳида күнгилчан, гоҳида ёвқур.  
Бирининг күзида мұлтирайди мунг,  
Ёвошгина бири, бошқаси мағрур.

Қайси бири сокин, қай бири шошқин –  
Дарёдай пишқириб тұлқинга дұнар.  
Баҳор ёмғиридай беозор, жұшқин,  
Яна бири олов – чарсиллаб ёнар.

Яхши-ёмөнини билдим-билмадим,  
Минг бора масъулман савиясига.  
Умримни бағишилаб хато қилмадим  
Шу мурғақ сұзларнинг тарбиясига.

Бу сұзлар бир куни үлғайиб, үсиб,  
Не хаста жонларга дармон бўлгайдир.  
Жаҳолат йўлини мардона тўсиб,  
Энг тоза ҳисларга қалқон бўлгайдир.

Ҳали улар дадил қадам ташлайды,  
Мени элтиб ойдин кошонасига.  
Бу сұзлар яшайды, узо-оқ яшайды,  
Номимни муҳрлаб пешонасига...

2010 йил 22 июнь

Хали сўз айтарман Ўзга муносиб,  
Дунёнинг умрига етар парвози.  
Майда гапларимни кетажак босиб  
Ичимдаги асл Инсон овози.

2011 йил

\*\*\*

ТОЖАН

Адабиёт, кўрсат атаганингни,  
Полвон юрагимни солдим курашга.  
Куч олай эшитиб алқаганингни,  
Йиқилсан, яраб қўй бир ҳол сўрашга.

Биласан, боғингдан гуллар узгум йўқ,  
Билъакс, асрай дейман чечакларингни.  
Қалбимнинг суратин сохта чизгим йўқ,  
Пуч ёнғоқ тўлдирмас этакларингни.

Мен шеър тимсолида бир шер бўламан,  
Пойимда янчилгай жаҳолат, бўхтон.  
Берган нон-тузингга рози қиласман –  
Ёлғон яшамайман, ёзмайман ёлғон!

*2008 йил, октябрь*

## НАЖОТ

Тақдир қандай тадбир этар эртага?  
Күнглимда мүқаддас ният күкарап.  
Ким қўлга ишонар, бирор елкага,  
Мени эса бир кун сўзлар кўтараар.

Бору йўқлик билан келсан юзма-юз,  
Изимдан эргашса қора нуқталар,  
Иймоним сўз эрур, амалим ҳам сўз,  
Ўшанда ҳам мени сўзлар қутқарап.

*2009 йил 30 марта*

Түшүнгөн түшүнди, уқмаган уқмас,  
О, бу сүзлар деб нақ ақлимдан оздим.  
Юракнинг буйруғи ҳар доим ҳақмас,  
Раҳмон не буюрса, үшани ёздим.

*2012 йил 10 февраль*

## СҮНГСҮЗ

Қанот қилиб энг үчкүр сүзни,  
Юлдузларни эттириб хиром,  
Хаммасига чирт юмиб күзни  
Шартта учиш керак – вассалом!

*2009 йыл, июнь*

## МУНДАРИЖА

### Дунё эски, ташвишлар эски...

«Ташқарига чиқдим. Юрагим қўлда...» .....	4
Ўйғониш .....	5
Узун орзу .....	6
Бозор .....	7
Эски ҳақиқат .....	8
«Учлик»ларим .....	9
Рол .....	10
«Нега асли гўзал эмас гўзаллик?...» .....	11
Жавоб .....	12
Зов .....	13
«Шу бир парча қуёш. Тупроқ. Ҳаво. Сув...» .....	14
«Қолган чақаларни эслагим йўқдир...» .....	15
«Қош қорайди, ўйчан қисқарди кунлар...» .....	16

### Илдизларим

Ёруғ ният .....	18
Даъват .....	19
Довон .....	20
Ўғил .....	21
«Эриб оқди дийдамда қорлар...» .....	22
Ёлғон .....	23
«Дўстлар, менга бир дўстлик қилинг...» .....	24
«Онангнинг эгнига камзул бўлмаса...» .....	25
«Онамнинг онаси ўтди, водариг...» .....	26
«Гул каби сочилид мен гул тутганлар...» .....	27
«Армонқизнинг қўзи баттар сузуклашди...» .....	28
Очилмаган мактуб .....	29
Мусоғир .....	30
«Ҳали дунё сутдай оқ эди...» .....	32
«Сабоги тугамас мактабдир Ҳаёт...» .....	33
Ҳавас .....	34
«Бу қаро дард ёпишди қайдан...» .....	35
«Бошингизга қуёш тож бўлсин, Ота...» .....	36

### Бир оз шошманг, Вақт жаноблари!

«...чунки кўп нарсадан кўнглимни уздим...» .....	38
Ҳар кун .....	39

Осмонда ёзилган шеър .....	40
Мангу лаҳза .....	41
«Бир оз шошманг, Вақт жаноблари!..» .....	42
«Ҳар куни қўксимда қўпкари...» .....	43
«Ортиқ ушлаб турмай, очиқ осмонга...» .....	44
«Тонгдан эшигимни чертади ташвиш...» .....	45
«У ён ўтиб, бу ён ўтасиз...» .....	47
«Не ҳикмат дилингнинг яролигида...» .....	48
«Фам миршаби ҳар ерда нозир...» .....	49
«Сергак тортиб қоласан бирдан...» .....	50
Англаш .....	51
«Яшайсан де, ўлмайсан деб айт...» .....	52
Ўкинч .....	53
«Адо қилди, еб қўйди йўллар...» .....	54
«Беҳуда чиқиллаб толиқди соат...» .....	55
Йигирма еттинчи бекат .....	56
«то ҳануз жумбоқча ўхшайди умрим...» .....	57
«Кўксим узра ҳаво етиб улгурмайди...» .....	58

## Юрагимнинг ярми қаерда?

Нома .....	60
«Адашган Ишқ суратида елдим дайдиб...» .....	61
«Севги, о, гуноҳдошим...» .....	62
«Бундан буёғига бодомлар бедор...» .....	63
«Қўзларимга ишон, қўлларингни бер...» .....	64
«Юракка айландим бошдан то охир...» .....	65
«Севги ёмон, севги дилозор...» .....	66
«Қўрқмайсизми, тушингизга кирмай қўйсам...» .....	67
Сас .....	68
Қўнгил .....	69
«Сизни яратгандан мени қизғонманг...» .....	70
«Мен – ўзини сотиб қўйган қул...» .....	71
Сен .....	72
Фалати хобби .....	73
«Шу кеча эртагин тутатмаса қор...» .....	74
«Қўзни юмиб севдим, севиб қўз очдим...» .....	75
Савдой .....	76
«Тушингизга кирганим учун...» .....	77
«Мен сизга бегона бўлмоқчи эдим...» .....	78
Аччиқ хулоса .....	79

«Ёлғиз-ёлғиз хаёллар сурдим...» .....	80
---------------------------------------	----

## Таъбир

«Нега ҳолинг паришон?..» .....	82
Арафа .....	83
«Бежиз ёмғир бүлганим йўқ-да...» .....	84
«Бир лаҳза ҳолимга қўймади ўйлар...» .....	85
«Жаноза ўқилди қанча сатримга...» .....	86
Таскинлар .....	87
«Кимнинг хузури деб ким сарсон бўлди...» .....	88
«Дерларки, жангдан сўнг ботир қўпаяр...» .....	88
«Не учун ҳолимга ачинмайди тил...» .....	88
«Ҳар кимга ҳам насиб этмайдиган Бахт...» .....	89
«Ишингиз бўлмаса чекишдан бўлак...» .....	90
«Ўзингни яхши кўр, одамларни сев...» .....	91
«Алам қилмай қўйди ҳеч бири...» .....	92
Таъбир .....	93
«Китоб бўлганимда, сизга борардим...» .....	94
«Занжирлар узилса, кишанлар синса...» .....	95
Ҳаёт .....	96
Түғилиш .....	97
«Ҳар лаҳза тийилиш азобига банд...» .....	98

## Тавалло

? .....	100
«Чиқиб кетса эди шу иблис қондан...» .....	101
«Бу хатолар, аччик хатолар...» .....	102
Тавалло .....	103
«Шу чиркин матоҳга борми учмаган?..» .....	104
Тақво .....	105
Қайтиш .....	106
«Масжидга ўхласа эди бу дунё...» .....	107
«Ортиқ жимиб бўлмас, йўқ, жимиб бўлмас...» .....	108
«Бардош либосининг иплари тиғдан...» .....	109
«Юборсанг ўзингнинг ёнингга юбор...» .....	110
Чора .....	111
«Раҳматингми, заҳматингми бу...» .....	112
«На буғдой, на сомонман...» .....	113
«Мен мингта, эҳтимол, ундан-да зиёд...» .....	114
«Муҳаббат дегани эҳсондир, асли...» .....	115

«Тасбек айтаверсам, зикр этаверсам...» .....	116
«Мехрининг чашмига хўб чанқоқ севдим...» .....	117
«Рахматига ихлос айлаб заҳмат чексанг...» .....	118
«Улардан ном сўраб қанча ялиндим...» .....	119
«Хаддан ортигини сўрамадим-ку...» .....	120
Ибрат .....	121
Майл .....	122
«Нечун жон шикаста, нечун руҳ беҳол...» .....	123
«Исён бўлиб исён эмасди бу ҳис...» .....	124
«Қўксим оғригани-оғриган, ё Раб...» .....	125
«Кечагина олам мисли жаннат эди...» .....	126
«Бошга тушганини кўз кўрди яна...» .....	127
Сўнгги ваъда .....	128

### Шамоллар абадий, ёмғирлар мангу

Тоғистон .....	130
«Бир муддатга китобингни ёп...» .....	131
«Шамоллар абадий, ёмғирлар мангу...» .....	132
Қоршевъ .....	133
«Ахир, шу чоққача қаёқда эдинг...» .....	134
Нашида .....	136
«Баҳор, юр, онамни борайлик йўқлаб...» .....	137
«Тўрт девор ораси ҳаёт эканми!..» .....	138
«Ўйғониш нақадар гўзалдир...» .....	139
Қўктуй .....	140
«Улар кўздан йироқ, кўнгилга яқин...» .....	141
Ноябрь .....	142
Моҳият .....	143
«Уч кундан бери ёмғир...» .....	144
Шамол .....	145
«Оқса буркаётир заминни само...» .....	146
Аёз .....	147
Қорхат .....	148

### Ўртар

«Суки филни қулатар, кўз деган ёмон экан...» .....	150
Аҳвол .....	151
Мослашув .....	152
Одамлар нима деркин? .....	153
Манфаат .....	154
Бегоналар .....	155

«Ёлғон, ёлғон, ёлғон ҳаммаси...» .....	156
«Энди құлға олганда созим...» .....	157
«Тұғри, зувалада бори муқаррар...» .....	158
Үртар .....	159
Хукмдан сұнг .....	160
«Ҳали үттизни ҳам қораламадим...» .....	161
Дашном .....	162
«Кетинг, эй, даф бүлинг, золим хаёллар...» .....	163
«Балосиз – гүёки ғамимни ейсиз...» .....	164
«Аё вұжуд, аё пешонам шүри...» .....	165
Чигал саволлар .....	166
«Менга зарурмиди шунақа яшаш?!.» .....	167
Изоҳ .....	168
«Билмайсан ва буни истамайсан ҳам...» .....	169
«Құзим толди – кутмоқ дарди оғир экан...» .....	170
«Тамом!.. Бундай юрак ортиқ керакмас...» .....	171
«Күндүзнинг ризқи бор түннинг ортида...» .....	172
Дұст .....	173
«У айтади: нодирсан...» .....	174
«Бир менми үзини йүлга қантариб...» .....	175
«Мен үлемдан құрқаман ёмон...» .....	176
«Чиририқдан үтар ҳар қылмиш...» .....	177
«Ёлғиз гуллаганнинг ахволи қурсин...» .....	178
«Одамға зор бўлиб үтган күнларим...» .....	179
Яна үзимга .....	180

### **Ҳали сұз айтарман**

«Сұз излаб саргардон, сұз ичра зорман...» .....	182
Майдон .....	183
«Бир күзимда оташ, бир күзимда сув...» .....	184
«Бирос билиб қолса, кулар устимдан...» .....	185
«Тұлиб кетганида тақбирга осмон...» .....	186
«Мен қидирған сұзлар луғатларда йүк...» .....	187
«Ортидан күп қувдим танноз сұзларнинг...» .....	188
«Бу сұзлар үзимга үхшайди менинг...» .....	189
«Ҳали сұз айтарман үзга муносиб...» .....	190
«Адабиёт, күрсат атаганингни...» .....	191
Нажот .....	192
«Тушунған тушунди, уқмаган уқмас...» .....	193
Сұнгсұз .....	194

## **Ф18**

**Ф18**

**Фазлиддин, Бекзод.**

Кутмаган кунларим, кутган кунларим: шеърлар / Б.Фазлиддин. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 200 б.

УДК: 821. 512. 133-1

ISBN 978-9943-389-38-0

КБК 84(57)7

*Адабий-бадиий нашр*

Бекзод ФАЗЛИДДИН

### **КУТМАГАН КУНЛАРИМ, КУТГАН КУНЛАРИМ**

Шеърлар

**Масъул мұхаррир:** Махмуд САЪДИЙ

**Мусаҳих:** Марҳабо ЖҮРАЕВА

**Бадиий мұхаррир:** Феруза НАЗАРОВА

**Техник мұхаррир:** Хуршид ИБРОХИМОВ

Нашриёт лицензияси: А1 №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 12.03.2012 й.

Босишига рухсат этилди: 22.05.2012 й. Офсет қофози.

Қофоз бичими: 84x108  $\frac{1}{37}$ . Futuris гарнитураси.

Офсет босма. Ҳисоб-нашриёт т.: 4,44.

Шартли б.т.: 10,5. Адади: 2000 нұсха.

Буюртма №17

«AKADEMNASHR» нашриётида нашрға тайёрланды.  
100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>А</sup>-мавзе, 42-үй.

**Тел.:** (+998 71) 217-16-77 **e-mail:** akademnashr@mail.ru

«START-TRACK PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, 8-март кӯчаси, 57-үй.





Сўз, сўзсиз, мўъжиза.

Дунёнинг юраги й билан үриб турнибди. Кўнглим тўлиб-тошган пайтлари қогоз қоралаб қўяман. Қораламалар йигилиб-йигилиб тўрт тўплам бўлибди.

Яхшиими-ёмонми, ҳарҳолда, уларнинг «пешона»сига менинг номим битилган.

Иккита университетни тамомладим. Диплом бўйича халқаро журналистман. Џаҳси, изланиши давом этаётир – фанлар академиясида. Шеър ҳаётимга айланниб бўлган-у, ҳаётни шеърга айлантириш осон кечмаяпти. Аммо, айтиб қўяй, мен учун шоирликдан-да юксакроқ мавқе бор. Ён ҳақда «шеърий автобиографиям» гапириб берар...

behzod-fazliddin@bk.ru



ISBN 978-9943-389-38-0



9 7 8 9 9 4 3 3 8 9 3 8 0